ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

СОЛИҚ

ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИКНИ КАМАЙТИРИШ





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИКНИ КАМАЙТИРИШ

Солиқ коллежлари ва бошқа касб-ҳунар коллежларининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналишлари учун ўқув қўлланма

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

65.9(2)26

УДК : 336. 22
~~67. 402-Я7~~
~~Т-71~~ С 600

А.Тангиркулов, А.Хомма, Ш. Тошматов, И.Норқўзиев, Н.Розиқов. Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш: Ўқув қўлланмаси. – Т.: «Янги аср авлоди» нашриёти. – 2010. – 160 бет.

Мазкур ўқув қўлланмада мамлакатимизда амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг юзага келиши ва ундирилиш амалиёти ёритилган.

Ўқув қўлланма Солиқ коллежлари ва бошқа касб-ҳунар коллежларининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналишида ўқиётган ўқувчилар учун мўлжалланган.

ББК 67.402-Я7

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент солиқ коллежи
Педагогика кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(30.09. 2010 йилдаги 2-сонли баённомаси)

Тақризчилар:
Н.Х. ҲАЙДАРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.
Б. К. ТЎХЛИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-08-654-8

© А.Тангиркулов, А.Хомма, Ш. Тошматов, И.Норқўзиев, Н.Розиқов. «Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш». «Янги аср авлоди», 2010 йил.

КИРИШ

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг аҳамияти беқиёс каттадир, улар ёрдамида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга оширишга замин яратилади. Бунинг учун солиқларнинг функцияларидан молиявий унсур сифатида самарали фойдаланиш зарур. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади. ...Давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим ...ва *рағбатлантириш вазифасини* тўла даражада бажариши керак».[1] Шу муносабат билан солиқларнинг ўрнатилган муддатда ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш вазифаси муҳим аҳамиятга эгадир. Давлатнинг бажарадиган вазифалари мамлакатнинг танлаган йўли, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос равишда ўзгариб туради. Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклларининг вужудга келиши тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятини эркинлаштиради, ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг аралашуви қонун билан яъни солиқлар орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тўламасликлари натижасида қарздорлик юзага келади. Солиқ ва бошқа қарздорлик миқдорларининг ошиб кетиши давлат бюджетига ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига салбий таъсир этади. Демак, солиқлар ва бошқа мажбурий

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 358-бет.

...MARKAZI

тўловлар бўйича қарздорликни камайтириш учун солиқ хизмати идоралари ходимларидан етарли даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари талаб этилади. Бу эса ўз навбатида, солиқ солиш соҳасида таҳсил олаётган ўқувчилар учун солиқларни ундириш муносабатларига доир назарий билим ва амалий кўникмаларни эгаллашлари лозимлигини кўрсатади.

Мазкур «Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш» ўқув қўлланмаси Солиқ коллежлари ва бошқа касб-ҳунар коллежларининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналишлари ўқувчиларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликни юзага келиши ва уни ундириш жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ назарий ва амалий билим ҳамда кўникмалар беришга қаратилган.

Ушбу ўқув қўлланма Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан таъсис этилган «Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш» Лойиҳаси доирасида JICA, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси. Солиқ академияси ва Тошкент солиқ коллежи мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан тайёрланди.

I БОБ. «СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИКНИ КАМАЙТИРИШ» МАХСУС ЎҚУВ КУРСИНИНГ МАҚСАД, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЗАРУРИЯТИ

Режа:

1. Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, солиқларни ундириш ҳақида тушунчалар ва уларнинг моҳияти.

2. Солиқларни ундириш зарурияти ва чоралари.

1. Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, солиқларни ундириш ҳақида тушунчалар ва уларнинг моҳияти

«Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш» махсус ўқув курсини ўқитишдан мақсад – ўқувчиларда солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларнинг келиб чиқиш сабаблари, солиқ қарзини ундириш тартиби, солиқ қарзларини мажбурий ундиришда амалиётда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш, солиқларни ундиришда дуч келинадиган асосий тушунчалар ва атамаларнинг қўлланилишини ўргатиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Ўқув курсининг вазифаси ўқувчиларни солиқ қарзини ундириш усулларини мукаммал ўзлаштириб олишга ўргатишдан иборат.

Ўқувчи бу ўқув курсини ўзлаштириш жараёнида:

солиқлар ва мажбурий тўловлар турлари, ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари, ўқув курсининг бошқа солиқ солишга оид фанлар билан боғлиқлиги, солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда келиб тушишининг аҳамиятини мукаммал билиши керак;

солиқ қарздорликларини солиқ турларига қараб гуруҳлаш, солиқ қарзи ва уни вужудга келиш сабабларини, солиқ қарзи бўйича ахборотномани солиқ тўловчига етказиш тартиби ва солиқ қарзини ундириш усуллари бўйича малакага эга бўлиши керак;

солиқ қарзини ундиришда тижорат банклари ва суд ижрочилари билан ҳамкорлик, солиқ қарзи ҳисобини юритиш, солиқлар

бўйича қарздорликларни таҳлил қилиш ва ўзгариш тенденцияларини аниқлаш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак.

«Солиқ қарзи ва уни ундириш» махсус ўқув курси билан танишишда талабалар, аввало, солиқ муносабатлари субъектлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозим. Маълумки, солиқ қонунчилигига биноан солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектлари ҳисобланади.

Солиқ қарзи – солиқ қонунчилигида белгиланган муддатларда ва тўлиқ тўланмаган солиқ ва мажбурий тўловлар суммалари.

«Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш» махсус ўқув курси билан танишишда ўқувчилар аввало, солиқ муносабатлари субъектлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозим. Маълумки, солиқ қонунчилигига биноан солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектлари ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар деганда солиқ қонунчилигига мувофиқ, зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари тушунилади.

Жисмоний шахслар қачонки мол-мулкка, ер ва даромадга эга бўлсалар ва якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширсалар, юридик шахслар эса мол-мулкка, ерга эга бўлса ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллансалар солиқ тўловчи ҳисобланадилар.

Солиқ агентлари – Солиқ кодексига мувофиқ, зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

Мисол учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоб-китоби ва уни бюджетга ўтказиб бериш шу ходим ишлайдиган корхона зиммасига юклатилган. Солиқларни ҳисоблаб чиқаришни одатда, юридик шахслар мустақил амалга оширсалар, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар эса Давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатига мувофиқ, солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслар ҳисобланади.

Мисол учун оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятда шерик (иштирокчи)лардан бири зиммасига ширкатнинг ишларини юритиш юклатилган шахс солиқ тўловчи ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш мажбурияти пайдо бўлади. Ушбу мажбуриятни солиқ тўловчилар мустақил равишда ҳамда ваколатли органлар томонидан амалга ошириши мумкин.

Ваколатли органлар қуйидагилардир:

1) Давлат солиқ хизмати органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари;

2) божхона органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

3) молия органлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари. Бунда, асосан, солиқ қарзлари узишга солиқ тўловчининг ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ёки дебитор қарзлари миқдори етишмаган ҳолатларда унинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарздорликлари ундирилиш жараёнларида бевосита суд ижрочилари қатнашади.

Демак, солиқлар ва мажбурий тўловлар солиқ агентлари ва ваколатли органлар томонидан ундирилади.

2. Солиқларни ундириш зарурияти ва чоралари

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 90%дан ортиқ қисми айнан солиқлар ҳисобидан шаклланиши маълум. Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тушиши давлат миқёсида амалга оширилаётган барча

чора-тадбирларнинг, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг харажат қисмини ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, ушбу маблағларнинг муддатида ва тўлиқ ҳажмда тегишли бюджет ва мақсадли жамғармаларга келиб тушмаслиги, давлатнинг маълум давр учун белгиланган харажатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, солиқ тўловчилар ўзларига юклатилган «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш» мажбуриятларини тегишли равишда белгиланган муддатда ва тўлиқ амалга оширишлари шарт. Лекин солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи томонидан Солиқ кодексида белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай, уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун (ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар) тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Буни бир неча сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

- солиқ тўловчи ўз мажбуриятини билмаслиги;
- солиқ тўловчи ҳисоб рақамида маблағнинг йўқлиги;
- қасддан солиқ тўламаслик;
- солиқ тўловчи соғлигининг ёмонлашуви;
- солиқ тўловчи узоқроқ сафарда бўлиши;
- бошқа сабаблар.

Юқоридаги сабаблар ўрганилган ҳолда, Давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан солиқ тўловчига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади, яъни солиқ тўловчига унинг мажбуриятини бажариш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан бошқа чоралар қўлланилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. «Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш» махсус ўқув курсини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Солиқлар қайси ваколатли идоралар томонидан ундирилади?
3. Солиқларни ундириш деганда нимани тушунасиз?

4. Солиқ қарзи деганда нимани тушунасиз?

5. Солиқларни мажбурий ундиришнинг қандай чоралари мавжуд?

6. Ҳозирги кунда солиқларни мажбурий ундириш зарурати ҳақида қандай фикрдасиз?

7. Солиқлар бўйича қарздорликларни гуруҳланг.

II БОБ. СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ УНДИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.

2. Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олишга оид меъёрий ҳужжатлар.

3. Ҳозирги кунда муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни ундиришга асос бўладиган ҳужжатлар.

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига биноан фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Амалдаги Солиқ кодексининг 6-моддасидаги «Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципи»да келтирилишича: «Ҳар бир шахс Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт».

Солиқ қонунчилигига мувофиқ, зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари солиқ тўловчилардир.

Уларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш, яъни Солиқ кодексида белгиланган муддатларда, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳисобланган солиқ суммасини тўлиқ миқдорда бюджетга ўтказиб бериш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиш (бу юридик шахслар томонидан амалга оширилади);

- ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш (солиқ тўловчилар Давлат солиқ хизмати органларига имтиёзга эга бўлиш учун асос бўладиган ҳужжатларни

тақдим этган тақдирдагина тегишли имтиёздан фойдаланишлари мумкин бўлади):

- солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиш;

- ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш, шунингдек мазкур органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслик;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариш, ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ боцқа солиққа оид мажбуриятлар.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид муносабатларни ҳозирги кунда тартибга солувчи асосий ҳужжат 2008 йил 1 январдан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ҳисобланади. Мазкур қонун ҳужжати 21 та бўлим, 64 та боб ва 392 моддадан иборат.

2. Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олишга оид меъёрий ҳужжатлар

Республикамизда муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни мажбурий ундирувга доир дастлабки ҳужжат 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади.

Ушбу қонунда белгиланган муддатда тўланмаган солиқларни, давлат бюджетига ҳамда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш, солиқ қарздорликлари ва унга нисбатан пеня ҳисобланиши ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан солиқлар бўйича қарздорликларни сўзсиз ундириб олиш юзасидан амалга ошириладиган ҳолатлар, давлат бюджети даромадига, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ҳисоб варағига тўловлар банкнинг айби билан ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун пеня тўлаши, солиштирув далолатномаси мавжуд бўлган тақдирда солиқ қарз-

дорлиги бўйича ундирувни дебиторларга қаратиш ва бошқа ҳолатлар белгилаб қўйилган эди. Ушбу Қонун янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.

Юқоридаги Қонундан ташқари, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ ва тўлов-интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари учун масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонга мувофиқ, Давлат солиқ қўмитасига солиқлар ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни қарздор корхонанинг мулки ҳисобидан ундириб олиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларининг ҳолатидан қатъи назар, солиқ тўловчида маблағ мавжуд бўлган тақдирда бюджетга тўловлар ўз вақтида ўтказилиши белгиланган.

Қайд қилинган фармоннинг яна бир аҳамиятли томони, солиқ қарзи мавжуд бўлган корхонанинг сўмлардаги маблағи етарли бўлмаган ва валюта ҳисобварақларида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, вакил қилинган банкларга солиқ идораларининг тақдимномаси бўйича мазкур валюта маблағларини Ўзбекистон Республика валюта биржасида сотиладиган кундаги курс бўйича, бюджет олдидаги қарзни узиш учун зарур ҳажмларда мажбурий сотувга қаратиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, фармон талаблари асосида 1996 йил 8 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 387-сонли қарори қабул қилинган.

Низомда солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби белгиланган эди. Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 мартдаги 133-сонли қарори-

га асосан («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида) киритилган ўзгаришларга мувофиқ Давлат солиқ хизматига юклатилган ваколатларнинг аксарият қисми, хусусан мол-мулкни хатлаш ва сотуви билан боғлиқ қисми Суд ижро департаментига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.2009 йилдаги № 63-сонли Қарорига асосан ушбу Низом бекор қилинди.

3. Ҳозирги кунда муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни ундиришга асос бўладиган ҳужжатлар

Муддатида тўланмаган солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларида асосан солиқ органларининг ҳуқуқлари, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари белгилаб берилган.

Қонун ҳужжатлари, солиқ қарзини мажбурий ундирувдаги аҳамияти жиҳатидан кўриб чиқилса, авваламбор Ўзбекистон Республикасининг 29 август 1997 йилдаги «Давлат Солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига тўхталиб ўтишни тақозо қилади. Ушбу қонун билан белгиланган Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқларидан бири, солиқ тўловчига мажбуриятини бажариши зарурлиги ҳақида ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида талабнома юбориш ваколати ҳисобланади.

Шунингдек, қонуннинг Давлат солиқ хизмати органларининг мажбуриятлари қисмида:

солиқларни ундиришга доир вазифаларни амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотларини солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундириб олиниши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилиши юзасидан назорат қилиш;

солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юбориш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириш;

ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратиш каби вазифалар юклатилган.

Солиқ қарзини мажбурий ундирув билан боғлиқ бўлган яна бир аҳамиятли ҳужжат Солиқ кодекси ҳисобланади. Солиқ кодексида солиқ қарзини мажбурий ундиришнинг барча жараёнлари ўз аксини топган ва бу ҳақда кейинги бобларда батафсил тўхталиб ўтилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мажбурий ундирув чоралари кўрилгандан сўнг ҳам солиқ қарзига эга бўлган корхоналар томонидан қарздорликни узиш чоралари кўрилмаган тақдирда, бу корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунида белгиланган чоралар кўрилади.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Суд ижро департаменти томонидан Суд органларининг ҳал қилув қарори ёки буйруқлари асосида солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 мартдаги «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 133-сонли, 2004 йил 25 мартдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли ва 2003 йил 18 мартдаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 147-сонли қарорларига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 12 июнь 2003 йилда 1250-рақам билан рўйхатга олинган «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисида»ги Йўриқнома бугунги кунда солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратишда муҳим аҳамият касб этадиган амалдаги ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу йўриқнома ва унга киритилган ўзгаришларда солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундиришни қарздор корхона ва ташкилотнинг мол-мулкига қаратиш, муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш, қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундирилган маблағларнинг тақсимланиши каби масалалар ўз аксини топган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурийлиги қайси қонун билан белгилаб қўйилган?

2. Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш қайси қонун билан белгиланган?

3. Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби ҳақида нималарни биласиз?

4. Ҳозирги кунда муддатида тўланмаган солиқларни ундириш қайси қонун ҳужжатларига асосланади?

5. Солиқ тўловчини қандай ҳолларда банкрот деб топилади?

III БОБ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИНИНГ СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

1. Давлат солиқ хизмати тизимининг солиқларни ундирувдаги роли тўғрисида умумий тушунча.
2. Солиқ мажбуриятларини бажарилиши устидан Давлат солиқ хизмати назорати.
3. Солиқларни ундиришда Давлат солиқ хизмати органларининг банк муассасалари ва бошқа органлар билан ҳамкорлиги.

1. Давлат солиқ хизмати тизимининг солиқларни ундирувдаги роли тўғрисида умумий тушунча

Солиқларни ундириш ҳар бир давлатнинг бу борада қабул қилган қонунчилиги асосида амалга оширилади. Қонунчиликда, биринчи навбатда солиқларни ундирувчилар ва солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Солиқларни тўлаш умуммажбурий ҳисобланади.

Бошқа давлатлар каби мамлакатимизда ҳам солиқларни ундирувчи давлат органи, унинг мажбурият ҳамда ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда «Солиқ кодекси» билан белгилаб берилган бўлиб, асосий вазифа бажарувчиси Давлат солиқ хизмати органлари ҳисобланади.

Мамлакатимиз чегараси орқали товарлар олиб чиқиш (экспорт) ёки олиб кириш (импорт) билан боғлиқ юзага келадиган солиқ мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш, солиқ, бож ва тўловларни ундириш билан боғлиқ муносабатлар Давлат божхона хизмати органлари томонидан, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат солиқ қўмитаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги Давлат солиқ бошқармалари, уларнинг таркибидаги шаҳар ва туман Давлат солиқ инспекциялари (солиқ хизмати тизими) солиқ ва мажбурий тўловларни бюджет ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ундириб берувчи давлат органи ҳисобланади.

Ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг республика ва маҳаллий бюджетлари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июлдаги «Бюджетдан ташқари мактаб таълим жамғармасини ташкил этиш чора-тажбирлари тўғрисида»ги 263-сонли Қарори асосида ташкил этилган)га солиқ ҳамда мажбурий тўловларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Солиқ кодекси билан белгилаб берилган.

Шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундирув билан боғлиқ бўлган ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга йўналтириладиган йиғимлар ва божлар миқдорини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари ижроси назорати ҳам солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

2. Солиқ мажбуриятларини бажарилиши устидан Давлат солиқ хизмати назорати

Давлат солиқ хизмати органлари назорати солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбурияти юзага келгандан кейин қонунчиликда белгиланган тадбирлар ижроси бўйича амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади.

Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:

- ҳудудий Давлат солиқ инспекциясида ҳисобда туриши;
- солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши;
- молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига тақдим этиши;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади, лекин истисно тариқасида Солиқ кодексига ва бошқа қонунларга мувофиқ солиқ мажбуриятини бажариш бошқа шахсга юклатилиши ҳам мумкин.

Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқ мажбурияти мазкур бўлинмалар томонидан, агар уларга алоҳида

442062

мол-мулк ажратилган бўлса ва улар ўз балансига эга бўлса, мустақил равишда бажарилади.

Солиқ солинадиган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилганда бошқарув муассиси бўлган солиқ тўловчининг солиқ мажбурияти, агар бу мажбурият унга бошқарув муассиси томонидан юклатилган бўлса, ишончли бошқарувчи томонидан бажарилиши мумкин.

Солиқ мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунида Давлат солиқ хизмати органларига белгилаб берилган асосий вазифаларидан бири солиқларни ундириш ҳисобланади. Бюджет, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларини шакллантиришда асосий манба ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлашда солиқ хизмати органларининг вазифалари ва мажбуриятлари ҳам ушбу қонун ва Солиқ кодексида ўз аксини топган.

Солиқ хизмати органларига биринчи навбатда, солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланиши назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи, шу жумладан қонунчиликда белгиланган тартибда қўлланилган жарима суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ органларининг инкассо топшириқномалари асосида банк муассасалари томонидан солиқ тўловчининг банк ҳисобварағидан сўзсиз тўланиши назорати ҳам солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

3. Солиқларни ундиришда Давлат солиқ хизмати органларининг банк муассасалари ва бошқа органлар билан ҳамкорлиги

Солиқларни ундиришда ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг банк ва бошқа кредит муассасалари билан ҳамкорлиги талаб этилади, ўзаро ҳамкорликнинг асосий қисми солиқларни ундириш масалаларига тўғри келади.

Биринчидан, солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олинищи ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудий Давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинганликларини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган тақдирдагина, улар учун ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари очишлари мумкинлиги белгиланган.

Иккинчидан, фаолиятини тугатаётганда ёки бошқа сабабларга кўра банк муассасасидаги асосий ҳисоб рақамини ёпиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мурожаат қилинганда, бу субъектларнинг бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажарганликлари (яъни барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаганликлари ҳақидаги, Давлат бюджети олдида қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома) тўғрисида ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг хулосаси тақдим этилган тақдирдагина уларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишларига рухсат берилади.

Учинчидан, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан муддатида тўланмаган солиқ ва жарималарни сўзсиз ундириш тўғрисидаги фармойишлари (инкассо топшириқлари) банк муассасалари томонидан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларга мутаносиб равишда бажарилиши лозим.

Инкассо топшириқномаси – солиқ тўловчи юридик шахснинг бюджет ва мақсадли жамғармалардан бўлган қарздорлик суммасини Давлат солиқ хизмати органлари томонидан унинг банкдаги ҳисоб рақамидан сўзсиз ундириш ҳақидаги ҳужжат.

Тўртинчидан, банк муассасалари солиқ қарзи мавжуд бўлган мижозларининг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш операцияси амалга оширилган куни, мижознинг солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда жарима суммаларини бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадига ўтказилади.

Бешинчидан, юридик шахсларнинг сўмдаги маблағлари етишмаган ва валюта ҳисобварағида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг тақдимномасига кўра, мазкур валюта маблағларини бюджет олдидаги қарзни тўлаш учун зарур бўлган ҳажмда сотув кунидаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича валюта биржасига сотиш ва маблағларни бюджет ва бюджетдан ташқ-

ари мақсадли жамғармалардан бўлган солиқ қарзини сўндиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, Давлат солиқ органларини банклар билан ҳамкорликда ишлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 784-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 февралдаги ПФ-1923-сонли «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловларнинг тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига (киритилган ўзгаришлар билан) мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Йўриқнома юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари уларга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда улардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбати белгилаб берилган. Яъни:

Биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни ҳисобдан чиқариш кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар лимити аниқлангандан ва захираланган кейин бюджетга тўланиши кўзда тутилган тўловлар бўйича (жумладан, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, жарима рухсатлари ва давлат божи ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга жамланадиган тўловлардан келиб тушган маблағлар), бюджетдан ташқари жамғармалар ва талаблар, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва унга тенглаштирилган талаблар бўйича ушбу мажбуриятларнинг тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган муганосиб равишда амалга оширилади.

Иккинчи навбатда, судлар ва хўжалик судлари ҳамда қонунчилик асосида уларга тенглаштирилган бошқа ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағлари ҳисобдан чиқарилади.

Учинчи навбатда, пул маблағларини юридик шахснинг банк ҳисобварағига қўйилган бошқа пул талаблари бўйича тўлов ҳужжатларининг келиб тушишига қараб календарь навбатида ҳисобдан чиқарилади.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг кредиторлар қарзларини тўлаш учун уларнинг ҳисобварақларига маблағ ажратиш режалари чегарасида молия ва солиқ ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳокимиятлар томонидан тасдиқланган схемалар бўйича келиб тушган бюджет маблағлари (юқори бюджетлардан қисқа муддатли ссудалар кўринишида олинганлари ҳам киритилади) мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилмасдан, банклар томонидан тасдиқланган схемаларга қатъий амал қилинган ҳолда маблағларни бюджетга солиқ ва тўловлар кўринишида тўлиқ ҳажмда қайтариш учун йўналтирилади.

Тижорат банклари томонидан иш ҳақини тўлаш учун берилган кредитлар мутаносиб равишда тақсимланмайди ва фақат белгиланган мақсад бўйича фойдаланилади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришда муҳим идоралардан бири – Судлардир. Чунки барча келишмовчиликлар, шу жумладан солиқ соҳасидаги зиддиятларни суд органи қонуний равишда ҳал қилиб беради. Амалдаги қонунчиликка асосан Давлат солиқ хизмати органлари солиқлар ва бошқа тўловларни мажбурий тартибда ундиришда судларга мурожаат этадилар.

Юридик шахслар билан боғлиқ солиққа оид низоларни Хўжалик судлари, жисмоний шахслар билан боғлиқ бўлган низоларни Фуқаролик судлари орқали ҳал қилинади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, судларнинг қонуний қарорларини ижро этиш суд ижрочилар департаментига юклатилган. Уларнинг ҳаракатлари ва солиқ органлари билан муносабати юқорида эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 12 июнь 2003 йилда 1250-рақами билан рўйхатга олинган «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисида»ги Йўриқномаси орқали тартибга солинади.

Юқорида келтирилган ташкилот ва муассасалардан ташқари, Давлат солиқ органлари солиқ қарзига эга солиқ тўловчиларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг қуйи идоралари билан биргиликда фаолият юритадилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Давлат солиқ хизмати органлари солиқларни ундиришдаги ваколатлари ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўзлаб беринг.

2. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари нималардан иборат?

3. Давлат солиқ хизмати органлари бошқа қайси органлар билан ҳамкорлик қилади?

4. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳамкорлиги қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?

IV БОБ. СОЛИҚЛАР ҲАМДА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлаш муддати ва тартиби.

1. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар

Солиқ солишнинг аниқлиги принципига асосан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Амалдаги Солиқ кодексида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг зарур элементлари белгилаб қўйилган бўлиб, «солиқ даври» ва «тўлаш тартиби» шулар жумласидандир. Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган давр бўлиб, солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин, уларнинг якунлари бўйича ҳисобкитобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади.

Амалдаги солиқ қонунчилигига биноан мамлакатимизда қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

3) қўшилган қиймат солиғи;

4) акциз солиғи;

5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

7) ягона солиқ тўлови;

8) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Маҳаллий солиқларга қуйидагилар киради:

1) мол-мулк солиғи;

2) ер солиғи (ягона ер солиғи);

3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

3) давлат божи;

4) божхона божлари ва йиғимлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Давлат ўзининг умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин, бунинг учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади. Бундай мажбурий тўловга 2005 йилдан амалга киритилган Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмани мисол қилиб келтириш мумкин.

Солиқ мажбурияти Солиқ кодексида белгиланган муддатларда солиқ тўловчи томонидан бажарилиши керак ва бунда солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбуриятини муддатидан илгари бажариш ҳуқуқи мавжуд.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, йил чораги, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши

билан белгиланади. Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. Солиқ мажбурияти бу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

Солиқлар бўйича тўлаш муддатларининг белгиланишида энг муҳим солиқ элементларидан бири бу – солиқ давридир. Солиқ кодексига мувофиқ солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир. Солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якунлари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади. Солиқ даври солиқ турларига қараб турлича бўлиши мумкин. Масалан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ даври календарь йилига тенг, акциз солиғи бўйича корхонани катта-кичиклигига мос равишда, микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ даври йил чорагига, бошқа йирик корхоналар учун бир ойга тенг.

2. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлаш муддати ва тартиби

Солиққа тортишнинг жаҳон амалиёти солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини белгилашда кўпгина омилларни ҳисобга олишни назарда тутади. Бунда даставвал солиқ солинадиган объектга нисбатан даромаднинг юзага келиш даври кўзда тутилади, масалан, ер солиғини тўлаш муддатларини белгилашда ердан даромадни(ҳосилни) олиш даври, акциз солиғи бўйича акцизости товарнинг реализация даври ҳисобга олинади. Ушбу тамойил асосида солиқлар тўлаш муддатларининг белгиланиши солиқ солинадиган объект билан ундан олинадиган даромаднинг мутаносиблиги оқибатида мазкур солиқ турлари бўйича солиқларни муддатида тўланиш имкониятини яратади. Республикамизда ҳам жаҳон амалиётидаги тамойилга таянилган ҳолда, солиқ турлари бўйича солиқларни тўлаш муддатлари белгиланган, шу билан бирга иқтисоднётни ривожлантиришнинг устувор йўна-

лишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес корхоналари учун солиқларни тўлашда имтиёзлар тақдим этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2005 йилдаги 100-сонли «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кўчайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишни ҳар чоракда тақдим этишга ўтказилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида 1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғи тўлашга ўтказилган. Ягона ер солиғининг тўлаш муддатлари қишлоқ хўжалигида ҳосил йиғимига мутаносиб равишда ўрнатилган бўлиб, йиллик ягона ер солиғининг йигирма фоизи 1 июлга қадар, ўттиз фоизи 1 сентябрга қадар, қолган эллик фоизи 1 декабрга қадар тўланиш муддатлари белгиланган. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, кўпгина солиқ турлари бўйича ҳисобот топшириш муддатлари билан солиқни тўлаш муддатлари мос келади, лекин фискал аҳамиятга эга бўлган солиқлар учун жорий (аванс) тўловлари белгиланган. Масалан, республикамизда ишлаб чиқариладиган акцизости товарлар учун акциз солиғи бўйича бир ойда уч марта ҳар ўн кунда жорий тўловлар белгиланган бўлиб, бу Давлат бюджети даромадларини узлуксизлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Қуйида келтирилган жадвалда республикамизда амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва солиқларни тўлаш муддатлари акс эттирилган.

Т/р	Солиқ ёки мажбурий тўловнинг номи	Солиқ тўловчиси	Ҳисобот тақдим этиш муддати	Солиқ тўлаш муддати
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ўзбекистон Республикасининг *резидентлари*; Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган	Ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.[1]	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фой-

[1] Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар учун йиллик молиявий ҳисоботларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этиш бўйича муддатлар белгиланган.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари учун йиллик молиявий ҳисоботларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай тақдим этиш бўйича муддатлар белгиланган.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар йиллик молиявий ҳисоботларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тақдим этадилар.

		даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси резидентлари. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда нотижорат ташкилотлар ўзи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдадан солиқ тўловчи бўлади: солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.	Фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган резидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисоботни (эркин шаклда), шунингдек юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Фаолият календарь йил тугашидан аввал тугатилган тақдирда, бу ҳужжатлар фаолият тугатилгандан кейин бир ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши шарт.	да солинади, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди. Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни амалга оширадилар. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 15-кунига қадар ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади. Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб

				чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга ўтланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисобланган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчиларидир.	Йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунига қадар, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида	Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қуйидаги муддатларда ўтланади:

				пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда; тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса. Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олиналиган даромад солиғи банк ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга мутаносиб суммада бюджетга ўтказилади.

3	Қўшилган қиймат солиғи	Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир: 1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар; 2) Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар; 3) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (ишпирокчи) - юридик шахс. Нотижорат ташкилотлар гадбиркорлик	Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда; Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот топширилади деган муддатда тақдим этилади.	Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай амалга оширилади. Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

		фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари. Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.		
4	Акциз солиғи	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи	Акциз солиғи тўловчилар бўлган микрофирмалар ва	Жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг

		солинадиган товарлари (акциз тўланадиган товарлари) ишлаб чиқарувчилар; Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар; оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси). Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан акциз солиғини тўловчи этиб белгиланиши мумкин.	кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай; Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.	биринчи ўн кунлиги учун; жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун; келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай – ҳисобот ойининг қолган кунлари учун. Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

5	Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	Ер қаърилан фойлали қазилмаларни кавлаб олаётган, шу жумлалан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар; фойдали қазилмалардан фойлали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.	Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай; Жисмоний шахслар томонидан – йилда бир марта, кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш мудлатидан кечиктирмай амалга оширилади.
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни амалга оширувчи қуйидаги шахслардир: юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резиденглари;	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни тўловчилар томонидан сувдан фойдаланиш жойида ҳисоб-китоб тақдим этиладиган мудлатдан кечиктирмай амалга оширилади, юридик

		фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари; талбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги талбиркорлар; юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари. Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчидир. Нотижорат ташкилотлар талбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, талбиркорлик	юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) – ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунигача; Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;	шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно. Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади. Юридик шахслар жорий йилнинг 15 январигача сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги ёзма билдиришни белгиланган лимитдан келиб чиққан ҳолда ёки сув етказиб бериш шартномасига мувофиқ ҳар ойда ёки йилнинг ҳар чорагида эркин

		фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;	Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан – йилда бир марта ҳисобот давридинг 15 декабригача; Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – йилнинг ҳар чорагида йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача.	шаклда тақдим этадилар. қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно.
7	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резиденглари; агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот даврида тақдим этилади.	Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.Тўланиши лозим бўлган, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган кундан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

		муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир. Нотижорат ташкилотлар талбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилардир;		
8	Жисмоний шахслардан	Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни

	олинадиган мол-мулк солиғи	жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларининг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчилар.	солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.	солиқ даври учун тўлаш тенг улушларда бир йилда икки марта амалга оширилади: ҳисобот йилининг 15 июнига қадар; ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.
9	Юридик шахслардан	Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдала-	Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига	Юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил

	олинадиган ер солиғи	ниш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг нотижорат ташкилотлари ер солиғини тўловчиларидир. Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади. Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланил-	бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ер-лати давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади. Йил мобайнида юридик шахсларда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, улардан фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи вужудга келганида (бекор қилинганда), шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кўпайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқлари бекор қилинган (вужудга келган) тақдирда, юридик шахслар давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган	чорак иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади. Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги кор хоналари томонидан ер солиғини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: ҳисобот йилининг 1 июлига қадар – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи; ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи; ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – солиқнинг қолган суммаси.

		ган ер участкалари бўйича белгиланган тартибда ер солиғи тўловчилар бўлади;	ҳисоб-китобини ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёз ҳуқуқлари бекор қилинган (вужудга келган) кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай тақдим этишлари шарт. Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.	
10	Жисмоний шахслардан	Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдала-	Жисмоний шахсларнинг ерига солинадиган	Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи

	олинадиган ер солиғи	ниш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдала-	олиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.	жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солиғини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади). Ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди. Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиғи ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади.

		ниш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.		Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан йилига икки марта икки марта тенг улушларда амалга оширилади: ҳисобот йилининг 15 июнига қадар; ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.
11	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдаси бўйича;	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.	Жорий тўловлар ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тўланади.Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

12	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилардир.	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолдаги ҳисоб-китоби ёнилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ерлаги давлат солиқ хизмати органларига: микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган мудлатда; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан ҳар ойда	Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ чакана реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кунидан кечиктирмай. ёнилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилади.

			ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.	
13	Ягона ижтимоий тўлов	Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари; Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.	Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда; Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил	Ягона ижтимоий тўлов - ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

			якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.	
14	Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари	Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчилардир.	Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.	Суғурта бадаллари ни ҳақига пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади.
15	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий	Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажрат	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жо-	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-куни-

	ажратмалар	маларни тўловчилардир. Нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари	йидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан: микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай. йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилади ган муддатда; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонилан - ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилади ган муддатда тақдим этилади.	дан кечиктирмай амалга оширилади.
16	Республика йўл жамғар-	Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг	Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан –	Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалари

	масига мажбурий ажратмалар	резидентлари Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчилардир. Нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари Ихтисослаштирилган йўл хўжалиги бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажарганлик учун олинган даромадларидан бошқа даромадлари бўйича.	йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширириладиган муддатда; Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширириладиган муддатда тақдим этилади.	тўлаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.
17	Республика йўл жамғар-	Автотранспорт воситаларини олувчи ва (ёки)		Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки)

	масига йиғимлар	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари; Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки фойдаланувчилари ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун.		Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда ундирилади.
18	Ягона солиқ тўлови	1) микрофирмалар ва кичик корхоналар. бундан қуйидаги иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно; 2) ходимларнинг сонидан қатъи назар: савдо ва умумий овқатланиш корхоналари; хусусий амалиёт билан	Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига орган борувчи якун билан: микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан йилнинг ҳар чорагида	Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

		шуғулланувчи юридик шахслар; лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш лицензиясидаги юридик шахслар.	ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилади ган муддатда; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган корхоналар томонидан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилади ган муддатда тақдим этилади.	
19	Ягона ер солиғи	Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар; қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муас-	Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майгача тақдим этилади. Ер участкасининг таркиби	Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади: ҳисобот йилининг 1 июлигача йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи; ҳисобот йилининг 1 сентяб-

		сасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.	ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.	ригача йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи; ҳисобот йилининг 1 декабригача солиқнинг қолган суммаси.
20	Тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.	Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар: якка тартибдаги тадбиркорлар.	Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-куни-	Қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунига қадар ҳар ойда. солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат

			дан кечиктирмай: тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳар ойнинг якунлари бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.	рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.
21	Патта тўлови	Бозорларда товарлар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни амалга ошираётган жисмоний шахслар	Олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни бозорлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқлаган шаклда тақдим этади.	Маблағларни бюджетга ўтказиш олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан бир ойда бир марта амалга оширилади.

Жадвалдаги маълумотдан кўриниб турибдики, солиқлар ва мажбурий тўловлар турлари бўйича ҳисобот тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш муддатлари солиқ тўловчиларнинг имкониятлари ва бюджетнинг даромад қисмини ҳам мунтазам таъминлаб боришни ҳисобга олинган ҳолда белгиланган. Мисол учун ягона ер солиғини асосан қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари тўлашини, уларни солиқ тўлаш имконияти асосан йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда ҳисобот йилининг 1 июлигача – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи, ҳисобот йилининг 1 сентябригача – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ва ҳисобот йилининг 1 декабригача – солиқнинг қолган суммасини тўлаш белгилаб қўйилган.

Акциз солиғининг тўлов муддатига эътибор берадиган бўлсак, ушбу солиқ тури бўйича тўлов муддати жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун, жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун, келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай – ҳисобот ойининг қолган кунлари учун солиқни тўлаш муддати белгиланган бўлиб, бунда бюджетнинг даромад қисмини маблағ билан доимий равишда таъминланиб туриши ҳисобга олинган.

Юқоридаги жадвал маълумотларида келтирилган солиқ ёки мажбурий тўлов гури бўйича белгиланган муддатда ҳисобот тақдим этмаслик, солиқ қонунчилигига биноан жарима солинишига ёки тўловни тўлиқ ёки қисман амалга оширмаслик муддат ўтган кундан бошлаб устама жарима(пеня) ҳисобланишига сабаб бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистонда қандай солиқ турлари амал қилади?
2. Қандай мажбурий тўлов турлари мавжуд?
3. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқлар қайсилар?
4. Умумбелгиланган тартибда солиқ тўлайдиган йирик корхоналарнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича солиқни тўлаш муддати ва тартиби қандай?
5. Умумбелгиланган тартибда солиқ тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналарнинг солиқ ва бошқа маж-

бурий тўловлар турлари бўйича солиқни тўлаш муддати ва тартиби қандай?

6. Соддалаштирилган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича солиқни тўлаш муддати ва тартиби қандай?

V БОБ. СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИКЛАР, УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Режа:

1. Солиқлар бўйича қарздорликнинг вужудга келиш сабаблари.

2. Солиқ қарзи суммаларини пайдо бўлишига йўл қўйиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар.

1. Солиқлар бўйича қарздорликнинг вужудга келиш сабаблари

Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган солиқ ва йиғимларни муддатида бюджетга ўтказиб бермаса ёки тўлашдан бўйин товласа у ҳолда, ушбу хўжалик юритувчи субъект бюджет олдида солиқ қарздорлигига эга бўлади.

Солиқ қарзи тушунчаси республикамизда дастлаб 2008 йил 1 январгача амал қилган Ўзбекистон Республикасининг «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига асосан қуйидагича изоҳланган «Тегишли тўловларнинг белгиланган тўлов муддатлари тугагач, тўланмаган сумма солиқ қарзи ҳисобланади ва у, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, пенясини қўшиб ҳисоблаган ҳолда ундириб олинади».

Аммо ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган Солиқ кодексида солиқ қарзига қуйидагича таъриф берилган: «Солиқ қарзи – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Солиқ кодексида белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар».

Давлат солиқ органлари солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган тўловларни тўлиқ давлат бюджетига ўтказилишини назорат қилишда, албатта, солиқ қарзларининг содир бўлишига сабабчи бўладиган ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, лозим бўлган ҳолларда тегишли мансабдор шахсларга улар ҳақида амалий тавсиялар беришлари, бу тавсияларга солиқ тўловчининг муносабатини назорат қилиб боришлари, одатда, ижобий нати-

жа берадиган омиллардан ҳисобланади. Солиқ қарзининг вужудга келиши солиқ муносабатларида содир бўладиган ўзига хос ҳуқуқбузарлик ёки солиқ тўловчининг бевосита фаолиятига тегишли молиявий муносабатлар оқибатида содир бўлади ва давлат бюджети даромадларига сезиларли даражада зарар келтиради. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этмасликнинг ҳар қандай аломатлари солиқ қарзини келтириб чиқариши мумкин.

Солиқ қарзларининг қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келишини назарий жиҳатдан асослаш мумкин:

- ўзаро молиявий-хўжалик муносабатда бўлган хўжалик субъектлари томонидан тўлов интизомига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида дебиторлик, кредиторлик қарзларининг ошиб кетиши;

- молиявий-хўжалик фаолиятни режалаштириш ва бу фаолиятни нотўғри бошқариш;

- хўжалик субъектнинг маҳсулотига (бажарилган иш ва хизматларга) истеъмол талабининг кескин ўзгариши;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (бажарилган иш ва хизматларнинг) сифати буюртмачининг ёки бозор талабига жавоб бермаслиги.

Солиқ тўловчи томонидан бюджет олдида солиқ қарзини вужудга келишининг энг асосий сабабларидан бири – корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб боришидир.

Дебиторлик қарз – бир корхонанинг иккинчи бир корхона олдидаги ҳақдорлик суммаси ҳисобланади. Ушбу қарз сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга оширилмаслигидан келиб чиқади.

Кредиторлик қарз эса дебиторлик қарзнинг акси.

Шунинг учун ҳам корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ўз вақтида тўловларни таъминлаш ҳамда корхона раҳбарлари, тижорат банклари тўлов интизоми ҳолати учун жавобгарлигини ошириш, ўзаро қарздорликни қисқартириш мақсадида республикамизда қатор ҳужжатлар қабул қилинган. 1995 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 1154-сон «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг

жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бунга мисол бўла олади. Ушбу қарор ва Фармонларга мувофиқ, истеъмолчиларга маҳсулот сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда олдиндан 15 фоиздан кам бўлмаган ҳолда тўлов ўтказиш белгиланган; 90 кундан кейин орттилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маблағ келиб тушмаса, муддати ўтган дебиторлик қарздорлик деб ҳисобланиши қайд этилган ва 1996 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби бўйича тузиладиган ҳисоботларда муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисида маълумот юритиш тартиби киритилган.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган солиқ ва йиғимларни ўз вақтида бюджетга ўтказиб бермаса ёки тўлашдан бўйин товласа у ҳолда, ушбу хўжалик юритувчи субъект бюджет олдида солиқ қарзига эга бўлади. Солиқ қарзи – бу солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда тўланмаган солиқ ва йиғимлар суммасидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги солиқ қарздорлиги вужудга келишига кўра 2 турга бўлинади:

1) умидсиз қарз суммалари;

2) жорий солиқ қарзлари.

Умидсиз қарз – суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз;

Жорий солиқ қарзлари – асосан хўжалик юритувчи субъектларининг келгуси давр учун тўланиши лозим бўлган солиқлари бўйича бўнак тўловлари ҳисобланиши ёки тўловларни қисқа муддатларга кечикиши натижасида вужудга келади. Амалдаги Солиқ кодексига биноан, фойда солиғи бўйича солиқ тўловчилар ҳисобот даврида энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ фойдага эга бўлса, тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 15 санасигача жорий тўловларни амалга ошириши керак.

Кўп ҳолларда бўнак тўловларини ўз вақтида амалга оширмаган корхоналардан жорий солиқ қарзлар вужудга келади. Бундай солиқ қарзлари корхона томонидан ҳисобот даври якуни бўйича ҳисоб-китобларни топшириш вақтида давлат солиқ органлари томонидан қайта кўриб чиқилади.

Қайта ҳисоб-китоб қилинганда солиқ қарзлари камайиши ёки ортиши мумкин. Якуний ҳисоб-китоб суммалари солиқларнинг ҳақиқий тўлов муддатларида корхона томонидан тўлаб берилиши натижасида юқоридаги солиқ қарзлари бартараф этилиши мумкин.

2. Солиқ қарзи суммаларининг пайдо бўлишига йўл қўйиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан амалга *ошириладиган тадбирлар*

Солиқ қарзи суммалари пайдо бўлиши ҳолатларини олдини олишда қуйидаги мезонларга эътибор берилиши лозим:

1. Хўжалик субъектлари томонидан белгиланган муддатларда бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тўловларни амалга оширмасдан маблағларини бошқа мақсадларга йўналтириш;

2. Солиқ органлари томонидан вақтида инкассо топшириқномаларини солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобрақамларига қўймаслик;

3. Йирик солиқ тўловчилар томонидан банклардаги ҳисоб рақамлари К-2 бўлганлиги муносабати билан қошида шўъба корхоналари очиб, асосий оборотини улар орқали амалга ошириш;

4. Асосий ҳисобрақамидан ташқари бошқа банкларда иккиламчи ҳисобрақамлари очиб, оборотини амалга ошириш;

5. Банклар иштирокисиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш (товар айирбошлаш, қарзини учинчи шахс фойдасига кечиш) ҳолатлари ҳисобига содир этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 январда 864-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларга бир нечта банкда ҳисобрақамлар очиш ва улардан тўловларни амалга ошириш» Тартибининг 4-бандида банк мижозга иккиламчи талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағига келиб тушган маблағлар тўғрисида кейинги кундан кечиктирмаган ҳолда маълумот бериши кўзда тутилган.

Хўжалик субъектларида ўтказиладиган текширувларда ушбу ҳолатлар ҳам ўрганилган ҳолда, корхоналар томонидан белгиланган муддатларда бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тўловларни амалга оширмасдан маблағларини бошқа мақсадларга йўналтириш ёки асосий ҳисобрақамида К-2 бўлиб, бошқа банклардаги иккиламчи ҳисобрақамларида айланмалар амалга ошириши қайд этилганида корхона раҳбарлари ва хизмат кўрсатувчи банк раҳбарларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига тақдим этиб борилиши керак.

Солиқ қарзини мажбурий ундиришда қуйидаги қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 102-103-моддалари асосида Суд буйруғи бериш бўйича ариза киритилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 21 июнда 753-рақам билан рўйхатга олинган «Ҳисобварақларида хорижий валюта маблағлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини тўлаш тартиби»га мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларида миллий валютада маблағлари бўлмаган ва ҳисобварақларида чет эл валютасида маблағлари бўлган пайтда Давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатувчи банкларга бутун қарз суммасига инкассо топшириқномаларини қўяди.

Ваколатли банк давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасини олиб, хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасидаги ҳисобварағини зарур маблағлар мавжудлигини билиш мақсадида таҳлил этиб, валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сотиш кунидаги курс бўйича, бюджет олдидаги қарзни тўлаш учун зарур бўлган ҳажмларда сотишни сўзсиз тартибда амалга оширади ва қарздор корхонанинг миллий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига сўмда ўтказади. Бунда пул маблағларини ҳисобдан чиқариш Адлия вазирлигида 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага мувофиқ ўтказилади.

3. Солиқ органлари томонидан киритилган даъво аризаси суд томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган, рад этилган, қисман қаноатлантирилган ёки қаноатлантирилмаган ҳолларда белгиланган тартибда юқори инстанция судларига аппеляция ва кассация шикоятлари киритади;

- суд қарорларини ижро қилиш бўлимлари томонидан ижросиз қайтарилган ижро ҳужжатлари солиқ органлари томонидан уларнинг асослилиги ўрганилиб, етарли асосга эга бўлмаган ҳолатлар бўйича қайта ижро учун юборилади ва бу ҳақда тегишли суд органига тақдимнома берилади;

- Солиқ кодексининг 66-моддасига асосан умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) талаблари асосида таҳлилларни амалга оширади;

- қонунда белгиланган муддатларда ижро қилинмаган суд ижро ҳужжатлари бўйича Адлия ва прокуратура органларига тақдимномалар киритади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Солиқ қарзининг вужудга келиш сабаблари нимадан иборат?
2. Жорий солиқ қарз деганда нима тушунилади?
3. Умидсиз солиқ қарзи деганда-чи?
4. Солиқ қарзи пайдо бўлишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим?

VI БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИКНИ УНДИРИШ АМАЛИЁТИ

1. Солиқ қарзларини ундириш ва ҳисобини юритишнинг амалдаги тартиби.
2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиби.
3. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш.

1. Солиқ қарзларини ундириш ва ҳисобини юритишнинг амалдаги тартиби

Давлат бюджетининг шаклланишида хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қарзлари салбий таъсир кўрсатади. Чунки хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга тўланадиган маблағларнинг ўз вақтида ўтказиб берилмаслиги сабабли бюджет камомади вужудга келади. Бу эса давлат бюджетининг қайта тақсимлаш сиёсатини амалга оширишда тўсқинлик қилади. Бунинг натижасида давлат ижтимоий эҳтиёжларига, шунингдек иқтисодиётнинг муайян соҳаларини қўллаб-қувватлаш, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб қолиш имконияти камаяди.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ тўловчи юридик шахслар ўзлари томонидан ҳисоблаб чиқарилган ҳисоб-китобларни ҳудудий солиқ идораларига тақдим этади, ҳамда ушбу тақдим этилган ҳисоб-китобларда солиқ ва мажбурий тўлов суммаларини белгиланган муддатларда тўлаб бериши керак. Бу солиқ тўловчининг мажбурияти эканлигини юқоридаги мавзуларда кўриб чиқдик.

Шу билан биргаликда, амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, солиқ тўловчи юридик шахс у ёки бу сабаблар билан, яъни субъектив ёки объектив сабабларга асосан белгиланган муддатларда тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини тўлаб бера олмайди. Ушбу тўланмаган сумма солиқ қонунчилигига асосан, солиқ қарзи ҳисобланиб,

давлат солиқ идоралари томонидан мажбурий ундиришга қаратилади.

Шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилигига асосан, солиқлар ва бошқа *мажбурий тўловларнинг тўлаш муддатларини бузиш* – тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди.

Мисол учун корхонанинг солиқлар бўйича қарз суммаси ва ортиқча тўлов суммаси тўловнинг белгиланган куни ўтган кун ҳолатига кўра қуйидагича бўлган:

№	Солиқ тури	Қарз суммаси (сўмда)	Ортиқча тўлов суммаси
1	Фойда солиғи	10 000 000	
2	Ер солиғи	2 000 000	
3	Мол-мулк солиғи		5 000 000

Корхонанинг умумий қарз суммаси 12 000 000 сўм бўлса, ортиқча тўлов суммаси 5 000 000 сўмни ташкил этган. Демак, тўлов муддати ўтган кундан бошлаб корхонанинг 12 000 000 – 5 000 000 = 7 000 000 сўм қарзига устама жарима(пеня) ҳисобланади.

Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас (Яъни устама жарима (пеня) суммаси 7 000 000 сўмдан ошмаслиги керак).

Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Юридик шахс – тадбиркорлик субъекти *ихтиёрий тугатилган* тақдирда, *юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш* тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисоблашлар тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилади. Лекин солиқ тўловчи томонидан пеня-

ни тўлаш уни солиқ мажбуриятларини, яъни асосий солиқ қарзини тўлашдан озод қилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалдаги Солиқ кодексида белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай, уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши лозим.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш чоралари жумласига, солиқ тўловчига ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан унинг мажбуриятини бажариш зарурлиги ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида юборилган талабномаси киради.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома ёзма шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи;

2) солиқ тўловчининг идентификация рақами;

3) талабнома тузилган сана;

4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси;

5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари;

6) дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги кўрсатма. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилади. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ва қуйидаги кўринишда акс этган (рақамлар ва сонлар шартли келтирилган).

СТИР: *1111111* **ОКОНХ:** *21150*
Корхона номи: *ТУРСУН Ф.Х.*
Банк номи: *ҚАРШИ Ш.,«ИПОТЕКА–БАНК» АТИБ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ*
МФО: *00111* **Ҳисоб рақами:** *00000000000000000000*
Манзил: *ХИЛОЛ ҚИШЛОҚИ*
Раҳбар: **Телефон:**
03/1-283-сон
«20» февраль 2010 йил

Солиқ қарзини (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Солиқ кодексида белгиланган муддатда тўланмаган молиявий санкциялар) ундириш тўғрисида

ТАЛАБНОМА

Қарши туман давлат солиқ инспекцияси шуни маълум қиладики, 14.01.2010 корхонангизни (ташкилотингизни) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан жами **128223,78** сўм қарзи мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги 136-сонли *Қонуни* билан тасдиқланган Солиқ кодексининг 59-65-моддаларига асосан, ушбу талабнома олинган (топширилган) вақтдан бошлаб:

- беш кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзингизни узмасангиз, банк ҳисобварақларингиздан сўзсиз ундириш чоралари қўлланилади;

- ўн кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзингизни узмасангиз ва сўзсиз ундириш чораларини қўллаш натижасида ҳам қарзингиз узилмаган тақдирда, ундирув корхонангизга дебиторлар ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратилади (шу муддатда дебитор билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этишингиз шарт, дебиторлар ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларига имзо қўйишни асоссиз рад этган тақдирда, бир томонлама имзоланган солиштирма далолатномаларни дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилиши мумкин, солиштирма далолатнома солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юборилган санадан кейин келадиган санада тузилган бўлиши лозим);

- ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзингизни узмасангиз ва юқорида қайд этиб ўтилган чораларни қўллаш натижасида ҳам қарзингиз узилмаган тақдирда, ундирув аризага асосан суд тартибида корхонангиз мол-мулкига қаратилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча чоралар қўлланилганидан кейин ҳам солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзингиз узилмаган тақдирда, корхонангизни банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиниши мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун телефон:
ДСИ бошлиғи
(ўринбосари) *(имзо)* *(Фамилияси, исми, шарифи)*

Баж. Тел.
Олдим
(Фамилияси, исми, шарифи, лавозими, сана, имзо, корхона муҳри)
Изоҳ:
- талабнома икки нусхада тузилади ва бир нусхаси қарздор корхона ходимига топширилади, иккинчи нусхаси қарздор корхона ходимининг талабноманинг биринчи нусхасини олганлиги тўғрисидаги имзоси билан солиқ органида қолдирилади.
- талабнома қарздор корхонага почта хизмати орқали буюртма хат билан юборилган бўлса, талабноманинг иккинчи нусхасига почта хизматининг квитанцияси тикилади, бунда квитанцияда кўрсатилган сана талабнома олинган (топширилган) кун деб ҳисобланади.

СТИР: *11111111*
Корхона номи: *ТУРСУН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ*

14.01.2010 ҳолатига корхонанинг (ташкилотнинг) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан мавжуд боқиманда қарздорлиги бўйича
МАЪЛУМОТ

Код	Солиқ ва мажбурий тўловлар номи	Боқи-манда	Пеня	Жами қарз.
22	Отчисления в ДФ с/х ширкатами и ФХ	0,00	6 272,99	6 272,99
36	Единый социальный платеж	0,00	23 247,79	23 247,79
39	1.5% взносы в ПФ	0,00	4 158,86	4 158,86
46	Подоходный налог с раб.,служ.	80 612,28	8 923,60	89 535,88
101	Отчисление в ИНПС	0,00	5 008,26	5 008,26
	Жами	80 612,28	47 611,50	128 223,78

ДСИ бошлиғи (ўринбосари) *(имзо)*
(Фамилияси, исми, шарифи)

«Ҳисоб-китоб, таҳлил ва солиқ статистикаси» бўлими ходими *(имзо)*
(Фамилияси, исми, шарифи)

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларига қуйидагилар киради:

- солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш – бу олдинги бобларда таъкидлаб ўтилганидек, корхона белгиланган муддатларда солиқ ва мажбурий тўловларни тўламаган ҳолатда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан юборилган «Солиқ қарзини ундириш тўғрисида талабнома» ни олгандан сўнг белгиланган муддатда, яъни беш кун ичида қарзларини тўламаган тақдирда корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига инкассо топшириқномаси қўйиш орқали қарз суммасини ундириб олиш.

- ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш -- инкассо топшириқномаси қўйилгандан кейин ҳам бюджетга қарздор корхона томонидан

қарздорлик суммаси тўланмаса, бундай ҳолатда корхонанинг бошқа шахслардан бўлган дебиторлик қарзларига қаратилади, яъни бюджетга қарздор корхонага қарздор бўлган корхоналарнинг ҳисобрақамларига инкассо топшириқномаси қўйиш орқали бюджетдан бўлган қарз суммасини ундириш.

- ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш – Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бюджетдан қарздор корхонага инкассо топшириқномаси қўйилгандан кейин ҳам, дебиторларига инкассо топшириқномаси қўйилгандан кейин ҳам қарздорлик суммасини камайтириш имкони бўлмаган ҳолатда бюджетдан қарздор корхонани мол-мулкларидан ундириб олиш учун судга мурожаат қилинади.

Солиқ тўловчи солиқ қарзини белгиланган барча чоралар кўрилганидан кейин узмаган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этади.

Якка тартибдаги тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари худди юридик шахсларга каби қўлланилади.

Солиқ текшируви натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ қарзи суммаларини мажбурий ундириш чоралари солиқ тўловчи томонидан унинг натижалари бўйича берилган шикоят даврида тўхтатиб турилади.

Агарда солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида солиқ қарзи узилмаган бўлса, бунда ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш чораларини қўллайди.

Солиқ тўловчи юридик шахснинг банкдаги ҳисобварақларидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш, солиқ тўловчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка ҳудудий давлат солиқ инспекциясининг солиқ қарзи суммасини тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Агарда солиқ тўловчига хизмат кўрсатувчи банк белгиси қўйилган тўлов топшириқномасининг нусхаси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, солиқ қарзи суммасини ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномалари солиқ қарзи сумма-

сини узиш тўғрисидаги талабномани бажаришнинг белгиланган муддати, яъни беш кундан сўнг, уч иш куни ичида ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилади.

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги учун ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг инкассо топшириқномаси тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда унинг нусхаси банкнинг белгиси қўйилиб, ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига ва солиқ тўловчига юборилади.

Лекин, инкассо топшириқномасини тақдим этиш пайтида солиқ тўловчи солиқ қарзининг суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномасини банкка топширган бўлса, банк тақдим этилган инкассо топшириқномасини солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси нусхасини илова қилган ҳолда ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига қайтаради.

Солиқ қарзи суммасини ундириш солиқ тўловчининг барча банк ҳисобварақларида турган пул маблағларидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ундирувга қаратиш мумкин бўлмаган ҳисобварақлар бундан мустасно ҳисобланади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида юридик шахс солиқ қарзини узмаган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси ундирувни солиқ тўловчининг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратади.

Солиқ тўловчи – юридик шахс дебитор билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратади.

Юридик шахс дебитор билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси – ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бор корхоналар ўртасида қарздорлик ва ҳақдорлигини тан олганлигини тасдиқловчи суммалари кўрсатилган ва корхоналар раҳбар ходимлари томонидан имзоланган ва мухрланган далолатнома.

Солиқ тўловчининг дебиторлари ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларига имзо қўйишни асоссиз рад этган ҳолатларда, солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган со-

лиштирма далолатномаларни дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига тақдим этиши мумкин.

Солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиштирма далолатномани ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юборади.

Солиқ тўловчининг дебитори ёзма билдириш олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаш ёки солиштирма далолатномада кўрсатилган қарзнинг мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавобини тақдим этиши лозим. Агар солиқ тўловчининг дебитори томонидан тан олинган қарз суммаси солиштирма далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор худди шу муддатда давлат солиқ хизмати органига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштирма далолатномани тақдим этади.

Бунда солиқ тўловчининг дебитори томонидан имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси кредиторнинг имзоси мавжуд бўлишидан қатъи назар, унинг кредитори солиқ қарзини ундирувни унга қаратиши учун асос бўлади. Агарда солиқ тўловчининг дебитори ушбу мажбуриятини бажармаган тақдирда, ундирув солиқ тўловчи тақдим этган солиштирма далолатнома асосида амалга оширилади.

Солиқ тўловчи билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

- солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг номи, уларнинг идентификация рақами;

- солиқ тўловчи ва унинг дебитори солиқ ҳисобида турган жойдаги ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг номи;

- солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари;

- дебиторнинг солиқ тўловчи олдидаги қарз суммаси;

- солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг тарафлар муҳри билан тасдиқланган имзолари (бир томонлама тасдиқланган далолатномадан ташқари);

- солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси тузилган сана.

Солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан юборилган санадан кейин келадиган санада тузилган бўлиши керак.

Ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси асосида дебиторларнинг банк ҳисобварақларига солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини солиқ тўловчи олдидаги қарзидан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Мисол учун корхонанинг бюджетдан бўлган қарзи миқдори 5 000 000 сўмни ташкил этади. Дебиторлик қарзи суммаси эса 6 000 000 сўмни ташкил этади. Дебиторга инкассо топшириқномасини 5 000 000 сўм ва ундан кам бўлган суммага қўйиш мумкин. Ёки корхонанинг бюджетдан қарзи 5 000 000 сўм бўлгани ҳолда дебиторлик қарзи 4 000 000 сўмни ташкил этади. Бундай ҳолатда 4 000 000 сўм ва ундан кам бўлган суммага инкассо топшириқномаси қўйиш мумкин бўлади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида юридик шахс солиқ қарзини узмаган тақдирда, агар Солиқ кодексида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилади.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади ва у қуйидаги кўринишга эга (рақамлар ва сонлар шартли келтирилган):



№_____- сонли
200___йил «__»____даги

Қашқадарё вилоят хўжалик судига
Аризачи Қарши туман давлат
солиқ инспекцияси
Манзил: 180200, Бешкент шаҳар,
Ҳамза кўчаси
23-уй, Бешкент Пахта банк,МФО: 00000,
Ҳ/р: 00000000000000000000,
СТИР: 000000000
Қарздор: ТУРСУН Ф.Х.
Манзил: 731108, ҲИЛОЛ ҚИШЛОҒИ, ҚАРШИ Ш., «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ, МФО: 00190, Ҳ/р: 11111111111111111111, СТИР: 111111111, Раҳбар:, Телефон: 0

АРИЗА
(муддати ўтган солиқ қарзини қарздор корхонанинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида)

ТУРСУН Ф.Х. нинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан 14.01.2010 йил ҳолатига жами солиқ қарзи **1 346 714,15** сўмни, шундан мажбурий ундирувга солиқ қарзи **128 223,78** сўмни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60, 61-моддалари талабларидан келиб чиққан қарздорнинг мажбурий ундирувга қаратилмаган **128223,78** сўм солиқ қарзига 20.02.2010 йилда №03/1-сонли солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома (1-иловага асосан) юборилган (топширилган).

Қарздорга талабнома топширилгандан сўнг Кодекснинг 61-моддаси талабларидан келиб чиққан кун қарздор ихтиёрий равишда солиқ қарзини тўлиқ тўлаб бермаганлиги ва солиқ қарзини тўлаш ҳисоб рақамига тўлов топшириқномаси топширмаганлиги учун солиқ органи томонидан 0 йилда банк ҳисоб рақамига (2-иловага асосан) инкассо (мижознинг тўлов) топшириқномаси қўйилган.

ҚАРШИ Ш., «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ нинг (3-иловага асосан) маълумотномасига кўра, қарздорнинг банк ҳисоб рақамида тегишли пул маблағлари йўқлиги сабабли, қўйилган инкассо топшириқномаси (тўлов топшириқномаси) банк томонидан К-2 (картотека) реестрига олинган.

Дебитори мавжуд эмаслиги тўғрисида (5-иловага асосан) қарздор маълумотнома тақдим қилганлиги сабабли Кодекснинг 61-моддасига асосан ундирувни қарздорнинг дебиторига қаратиш имкони бўлмади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома қарздор томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг орадан ўттиз кун ўтган бўлса-да, қарздор томонидан **128 223,78** сўм солиқ қарзи тўлиқ узилмаган ва **128 223,78** сўм миқдорда солиқ қарзи шу кунга қадар қопланмаган.

Шу муносабат билан юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексининг 112-116 ва 121-моддаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 65-моддасига асосланиб,

СУДДАН:

ТУРСУН Ф.Х. нинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан **128 223,78** сўм солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиб беришингизни;

Ариза киритишда тўланган 2500 сўм почта харажатини жавобгардан ундириб беришингизни сўрайман.

Илова:

- қарздорга ариза нусхаси топширилганлигини ёки почта орқали юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки почта маълумотномаси;

- белгиланган миқдорда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

- қарздорга топширилган (юборилган) талабнома ва унинг жавобгар томонидан қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома;

- қарздор рўйхатдан ўтган жойдан унинг юридик манзили ҳақида маълумотнома (агар қарздор раҳбарини топиш имкони бўлмаса ёки унга юборилган талабнома почтадан орқага қайтиб келса);

- ундириб берилиши сўралаётган солиқ қарзининг ҳисоб-китоби (асосий қарз ва пеня, алоҳида солиқ турлари кўрсатилган ҳолда);

- ундирув қарздор корхонанинг дебиторларига қаратилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- солиқ қарзининг мавжудлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

- солиқ текшируви натижалари бўйича (агар солиқ қарзи текширув натижасида ҳосил бўлган бўлса) расмийлаштирилган далолатнома нусхаси (СКнинг 65-моддаси).

- солиқ тўловчининг охирги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси;

- солиқ тўловчининг ҳисобварақаларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси.

ДСИ бошлиғи
(ўринбосари) *(Фамилияси, исми, шарифи)*

Бундан ташқари, Давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарзи ундирувини солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш учун хўжалик судига мурожаат этилган ҳолларда уларга қуйидаги кўринишдаги хабарнома жўнатилади.

Қарши туман давлат солиқ инспекцияси

«___»_____20____йил
№_____- сон

ТУРСУН Ф.Х. раҳбариятига

ХАБАРНОМА

Қарши туман давлат солиқ инспекцияси, Сизга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарзингиз ундирувини мол-мулкингизга қаратиш учун Қашқадарё вилоят хўжалик судидан Ҳал қилув қарори беришни сўраб ёзган аризасининг нусхасини юбормоқдамиз.

Сиз, мазкур ариза нусхасини олгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ХПК сининг 119-моддасига асосан ўн кун муддат ичида Қашқадарё вилоят хўжалик судига Қарши туман давлат солиқ инспекцияси ариза талабларига эътироз билан мурожаат қилишингиз мумкин .

Қашқадарё вилоят хўжалик судининг манзилгоҳи: Қарши шаҳар Б.Шерқулов кўчаси, 7 уй.

ДСИ бошлиғи
(ўринбосари) *(Фамилияси, исми, шарифи)*

Баж. Тел.
Хўжалик судига берилган аризанинг нусхасини олдим
(имзо, лавозими, аризани қабул қилган масъул шахснинг Ф.И.О)

Қўшимча равишда қуйидаги маълумотнома тақдим этилади:

СТИР: *11111111* **Корхона номи:** *ТУРСУН Ф.Х.*

04.08.2010 ҳолатига корхонанинг (ташкилотнинг) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан мавжуд солиқ қарзи турлари бўйича шахсий карточкасидан
КЎЧИРМА

Код	Солиқ ва мажбурий тўловлар номи	Боқи-манда	Пеня	Жами қарз.
22	Отчисления в ДФ с/х ширкатами и ФХ	0,00	6 272,99	6 272,99
36	Единый социальный платеж	0,00	23 247,79	23 247,79
39	1.5% взносы в ПФ	0.00	4 158,86	4 158,86
46	Подоходный налог с раб., служ.	80 612,28	8 923,60	89 535,88
101	Отчисление в ИНПС	0,00	5 008,26	5 008,26
	Жами	80 612,28	47 611,50	128 223,78

ДСИ бошлиғи (ўринбосари) *(имзо)*
(Фамилияси, исми, шарифи)

«Ҳисоб-китоб, таҳлил ва ...
солиқ статистикаси» *(имзо)*
бўлими ходими *(Фамилияси, исми, шарифи)*

Корхона (ташкилот) раҳбари *(имзо)*
(Фамилияси, исми, шарифи)

Корхона (ташкилот) бош бухгалтери *(имзо)*
(Фамилияси, исми, шарифи)

Ушбу даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

-солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

-солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;

-солиқ текшируви натижалари бўйича (бундай текширув ўтказилган тақдирда) солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома;

-солиқ тўловчининг охирги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси, бундан молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддати ҳали келмаган, янги ташкил этилган юридик шахслар мустасно.

Ундирувни суд ҳужжатлари асосида солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиби

Агарда юридик шахс тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда, белгиланган тартибда тузилган тугатиш комиссияси беш кунлик муддат ичида бу ҳақда солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига ёзма шаклда маълум қилади. Агарда юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган ҳудудий Давлат солиқ инспекциясини хабардор этади.

Солиқ тўловчи юридик шахс рўйхатдан ўтган ҳудудий Давлат солиқ инспекциясига тугатиш балансини тақдим этиш билан бир вақтда, ҳисоботларни ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Юридик шахс тугатилган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ушбу юридик шахснинг пул маблағлари, шу жумладан унинг мол-мулкини

реализация қилишдан олинган пул маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида тугатувчи томонидан бажарилади.

Юридик шахсни тугатиш даврида юзага келадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек пеня ва жарималарни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти юзага келишига қараб, Солиқ кодексида белгиланган муддатларда ҳамда тартибда бажарилади.

Агар тугатилаётган юридик шахсда ортиқча тўланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар суммаси бўлса, мазкур суммалар умумбелгиланган тартибда ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши лозим.

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси ёки ҳуқуқий ворислари томонидан бажарилади. Бунда қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятини бажариш, қайта ташкил этиш тугаллангунига қадар ҳуқуқий ворисига қайта ташкил этилаётган юридик шахс солиқ мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги фактлари ёки ҳолатлари маълум бўлганлиги ёхуд маълум бўлмаганлигидан қатъи назар, унинг ҳуқуқий вориси зиммасига юкланилади.

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши унинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларининг бажарилишини ўзгартирмайди.

Ҳуқуқий ворисни, шунингдек ҳуқуқий ворисларнинг юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришдаги иштироки улушини белгилаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс қайта ташкил этилгунига қадар, у ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммалари шу юридик шахс ҳуқуқий ворисининг (ҳуқуқий ворисларининг) шахсий карточкасига юридик шахсни қайта ташкил этиш тугалланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Юридик шахснинг солиқ қарзи ёки у қайта ташкил этилгунига қадар ортиқча тўланган солиқ ёки мажбурий тўлов суммаларини қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисла-

ри ўртасида тақсимлаш ҳар бир ҳуқуқий ворисининг улушига мувофиқ амалга оширилади.

Банклар солиқ тўловчининг солиқни ва бошқа мажбурий тўловни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларини, шунингдек тегишли ваколатли органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини белгиланган тартибда бажариши шарт.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини тегишли бюджет ёки давлат мақсадли жамғармасининг ҳисобварағига киритиш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш деб эътироф этилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказишга доир тўлов топшириқномаси ёки уларни тегишли бюджет ёхуд давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги тегишли ваколатли органнинг инкассо топшириқномаси, тўлов топшириқномаси ёки инкассо топшириқномаси олинганидан кейинги операция кунидан кечиктирмай банк томонидан бажарилади. Инкассо топшириқномасига доир бундай операциялар бўйича хизмат кўрсатганлик учун ҳақ олинмайди.

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлган тақдирда, банклар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш тўлов топшириқномаларини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармаларига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини бажаришни кечиктиришга ҳақли эмас.

Солиқ тўловчининг ҳисобварақларида пул маблағлари бўлмаган ёки улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш тўлов топшириқномасини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, бундай топшириқномалар мазкур ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушишига қараб, ҳар бир шундай келиб тушишдан кейинги операция кунидан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида бажарилади.

Банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо

топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

3. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

Охирги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра жорий активлар суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдордаги қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида солиқ қарзи ойма-ой бўлиб тўланган ҳолда амалга оширилади.

Тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланишидан эътиборан тўхтатиб турилади.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Божхона тўловларини ва давлат божини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши у берилган муддат ўтганидан кейин тугайди.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши солиқ тўловчи кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ қарзининг жами суммасини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш муддати ўтгунига қадар тўлаган ёки солиқ тўловчи кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шартларини бузган ҳолларда муддатидан илгари тугатилади.

Солиқнинг бюджетга тўланган ҳамда тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги, тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида аниқланадиган ижобий фарқ солиқнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш эвазига ҳисобга олиниши керак:

1) солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;

2) бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига;

3) бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;

4) мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига;

5) бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

Мисол учун корхона фойда солиғига 30 000 000 сўм миқдорида тўловни амалга оширди ва ушбу солиқ туридан (30 000 000 – 10 000 000) = 20 000 000 сўм миқдорида ортиқча тўлов пайдо бўлди. Ортиқча тўлов пайдо бўлган кун ҳолатига корхонанинг солиқлар турлари бўйича қарздорлик суммалари, пеня ва жарималари қуйидагича эди деб ҳисобласак:

№	Солиқ тури	Асосий қарз суммаси (сўмда)	Ҳисобланган устама жарима(пеня)	Жарима суммаси
1	Фойда солиғи	10 000 000	3 100 000	1000 000
2	ҚҚС	5 000 000	1 000 000	500 000
3	Мол-мулк солиғи	3 000 000	500 000	300 000
4	Ер солиғи	2 000 000	500 000	300 000

Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш бўйича ҳисобга олиниши керак:

1. Фойда солиғи бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига (3 100 000+1 000 000);

2. ҚҚС, мол-мулк ва ер солиқлари қарзларини узиш ҳисобига(5 000 000+3 000 000+2 000 000);

3. ҚҚС, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига

(1 000 000+500 000+500 000+300 000+500 000+300 000);

4. 1 800 000 сўм миқдорида ортиб қолган сумма фойда солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши мумкин.

5. 1 800 000 сўм миқдорида ортиб қолган сумма бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш эвазига ҳисобга олиш ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан мустақил равишда солиқ тўловчининг аризасисиз амалга оширилади, солиқ тўловчи бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ёзма равишда хабардор этилади.

Ортиқча тўланган солиқни ҳисобга олиш солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида хулоса тақдим этилган тақдирда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади. Ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси солиқ тўловчи ёзма ариза берган санадан эътиборан уч кунлик муддатда ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисидаги хулосани молия органларига тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси тегишли молия органларига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида мустақил равишда хулоса тақдим этиши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш бу хусусда хулоса берилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида амалга оширилади.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси бошқа солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш эвазига ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Ҳисобга олиш амалга оширилганидан кейин ортиқча тўланган солиқларнинг қолган суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали қайтарилиши керак.

Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси қайтариш учун солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида хулоса тақдим этган тақдирда, ариза топширилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бошқа мажбурий тўловларнинг тўланган ва тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ ***бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаси*** деб эътироф этилади.

Бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш ушбу Кодексда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан бажарилади.

Божхона тўловларининг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ва қайтариш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига мажбурий тўловларни ундириб олиш мажбурияти юклатилган органларга тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга ошириш чоралари кўрилади.

Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқларни ундирув кетма-кетлиги қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган тўловлар Давлат солиқларига оид умумий қоидалар тўғрисидаги қонун ёки бошқа алоҳида солиқ турлари бўйича қонунларда белгиланган муддат ичида тўланиши лозим.

Солиқ тўловчи давлат солиқларини муддатида тўламаган тақдирда, солиқ инспекцияси бошлиғи талабнома юбориб, солиқни тўлаш ҳақида огоҳлантиради. Талабнома солиқни тўлаш ҳақида огоҳлантириш бўлиб, мол-мулкни хатлашдан олдин юборилиши шарт.

Япония солиқ тизимида мол-мулкни текшириш (қидириш), яъни, мажбурий ундирув (хатлаш) объекти бўладиган мол-мулк-

ни топиш учун зарур бўлган тартиб ҳам мавжуд. Бунда, сўроқ, тинтув ваколатидан фойдаланиб амалга ошириладиган текшириш (қидириш) билан бирга, ихтиёрий текшириш ҳам амалга оширилади.

Талабнома юборилгандан маълум бир вақт ўтгандан кейин ҳам солиқ тўланмаган тақдирда, солиқ тўловчининг мол-мулки хатланади. Мулк хатлаш уни тасарруф қилишни тақиқлайди ва реализация қилиш мақсадида мажбурий ундирувни мол-мулкка қаратиш жараёнининг бошланғич босқичи ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан мажбурий ундириш жараёни бошқа кредиторлар томонидан бошланган бўлса, бу ҳолда солиқ ходими қатнашиб, мол-мулк реализациясидан тушган суммадан давлат солиғи қарзини ундириш учун талабнома бериш тизими ҳам мавжуд.

Биргаликда хатлашда, бошлаб қўйилган мажбурий ундирув жараёнида қатнашиб, мол-мулк реализациясидан тушган суммадан давлат солиғи қарзи узилади. Олдин (бошқа кредиторлар томонидан) бошлаб қўйилган мажбурий ундирув асосида хатлаш бекор қилинса, давлат солиғи қарзини ундириш учун ушбу мол-мулк яна хатланиши мумкин.

Хатланган мулк пул ва дебиторлик қарзларидан бошқа мулк бўлса, уни реализация қилиш орқали давлат солиғи қарзи қопланади. Реализация қилиш очиқ тартибда (тендер ёки ким ошди савдоси), баъзан истисно тариқасида ихтиёрий шартнома асосида ҳам амалга оширилади.

Хатланган мулк пул шаклида бўлса, уни шундайлигича давлат солиғи қарзига тўланади. Дебиторлик қарзлари эса ундирилади.

Хатланган мулкнинг реализациясидан тушган сумма давлат солиғи қарзи ва бошқа кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун тақсимланиб, агар ортиб қолса ортган сумма қарздорга қайтариб берилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Солиқ қарзи ва уни мажбурий ундириш ҳақида нималарни биласиз?
2. Юридик шахслар томонидан муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловга нисбатан қандай чоралар қўлланилади?

3. Юридик шахсларнинг солиқ қарзини ундириш мақсадида ДСИ томонидан қандай чоралар қўлланилади?

4. Юридик шахснинг дебиторига инкассо топшириқномасини қўйиш тартиби.

5. Тўлов муддатини кечиктириш ёки бўлиб тўлаш тартиби ҳақида гапириб беринг.

6. Юридик шахснинг солиқ қарзини мулкидан ундириш ҳақида нималарни биласиз?

7. Ортиқча тўланган солиқ суммаларини ҳисобга олишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

8. Японияда солиқларни ундириш қандай амалга оширилади?

VII БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТЎЛАЙДИГАН СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИКНИ УНДИРИШ

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятлари тўғрисида тушунча.
2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятлари тўғрисида тушунча

Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган даромад, мол-мулк, ер ёки бошқа солиққа тортиладиган объектларга эга бўлган жисмоний шахслар солиқ тўлаш мажбуриятига эга ҳисобланадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига Солиқ кодексида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда уларнинг мажбуриятлари белгиланади.

Жисмоний шахслар солиқ мажбуриятини белгилашда солиқ солиш объектлари ҳисобга олиниши лозим.

Қуйидагилар жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш объектлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, Солиқ кодексига кўра қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир. Солиқ солиш объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар ҳисобланади.

Солиқ мажбуриятларининг тугатилиши

Вафот этган солиқ тўловчи – жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкини қабул қилган меросхўри (меросхўрлари) томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрга (меросхўрларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича қарзининг қолган суммаси умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Мисол учун меросхўрнинг солиқ мажбурияти суммаси 10 000 000 сўмни ташкил қилгани ҳолда, унинг мерос қилинган мол-мулки 8 000 000 сўмни ташкил этса, 2 000 000 сўм умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Меросхўр бўлмаган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи умидсиз қарз ҳисобланади.

Солиқ қарзига эга бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, жисмоний шахс ҳисобга қўйилган ёки унинг мол-мулки турган жойдаги ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида унга (уларга) солиқ қарзи борлигини маълум қилиши шарт.

Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахснинг солиқ қарзи қонун ҳужжатларига мувофиқ, бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ўша шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш маж-

бурияти унинг васийси томонидан муомалага лаёқатсиз шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган (йўқ бўлган) тақдирда, унинг солиқ қарзининг кўрсатилган мол-мулк қийматидан ортиқ қисми умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Жисмоний шахснинг бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлигини бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган ёки жисмоний шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, илгари ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзининг амал қилиши, даъво қилиш муддатидан қатъи назар, қайта тикланади.

Вафот этган жисмоний шахснинг жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва қатъий белгиланган солиқни тўлаш бўйича қарзи умидсиз қарз деб эътироф этилади.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексида белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши шарт.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш чоралари жумласига солиқ тўловчига ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан унинг мажбуриятини бажариш зарурлиги ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида юборилган талабномаси киради.

Жисмоний шахсларнинг ***солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома*** ёзма шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи;

2) солиқ тўловчининг идентификация рақами;

3) талабнома тузилган сана;

4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси;

5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилиши лозим.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан бошлаб ўн кун ичида жисмоний шахс томонидан бажарилмаган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси солиқ қарзини жисмоний шахсдан ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади.

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан фақат суд тартибида қўлланилади.

Жисмоний шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш, худди юридик шахсларга белгиланган тартибда, яъни тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Лекин солиқ тўловчи томонидан пеняни тўлаш уни солиқ мажбуриятларини, яъни асосий солиқ қарзини тўлашдан озод қилмайди.

Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Японияда мажбурий ундирувни амалга ошириш туфайли солиқ қарзи қарздорнинг яшаш шароитига сезиларли путур етиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда, мажбурий ундириш процедураси тўхтатилиб, ушбу ҳолат 3 йил давом этадиган бўлса, қарздорни солиқ мажбуриятидан озод қилиш имконини берадиган тизим амал қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Жисмоний шахснинг солиқ мажбурияти қачон тугатилади?
2. Жисмоний шахснинг солиқ қарзи бўйича ёзилган талабномада нималар кўрсатилиши лозим?
3. Жисмоний шахс билан юридик шахснинг солиқ қарзини ундириш тартибидаги фарқ нимадан иборат?
4. Жисмоний шахсга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи вужудга келганда ДСИ томонидан қандай чоралар қўлланилади?

VIII БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛИ

Режа:

1. Дастурий маҳсулни ШЭХМга ўрнатиш ва ўчириш.

2. Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни шакллантириш.

2.1. Корхоналар бўйича ҳисоботларни шакллантириш;

2.2. Вазирликлар ва идоралар бўйича ҳисоботларни шакллантириш;

2.3. Инспекторлар бўйича ҳисоботларни шакллантириш;

2.4. Дастурий маҳсул орқали шакллантирилган ҳисоботларни таҳлил қилиш.

3. Боқимандалар билан ишлаш.

3.1. Боқиманда суммаларини таҳлил қилиш;

3.2. Тўлов муддатлари узайтирилган боқимандалар бўйича маълумот олиш;

3.3. Боқимандага эга корхоналарга солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаларини бериш ва бу борада назорат ишларини олиб бориш;

3.4. Боқимандаларни қарздор корхонанинг дебиторларидан ундириш;

3.5. Боқимандаларни қарздор корхоналарнинг мол-мулкига қаратиш ва бу борада назорат ишларини олиб бориш.

4. Солиқ тўловчиларнинг ШҲВларидан маълумот олиш.

1. Дастурий маҳсулни ШЭХМга ўрнатиш ва ўчириш

Дастурий маҳсулни ўрнатиш

Дастурий маҳсулни ШЭҲМа ўрнатиш учун Ned_GNI_ setup.exe файлини ишга туширинг.

Экранда дастурий маҳсулни ШЭҲМ га ўрнатишни бажарувчи модулнинг дарчаси пайдо бўлади. Дастурий маҳсулни

одатдаги ўрнатилиши учун «Next» «Далее» тугмачасини босиш кифоя.

Дастурий маҳсул ШЭХМга ўрнатилгандан сўнг компьютерингизни иш столида қуйидаги ёрлиқча пайдо бўлади:



Ушбу ёрлиқча орқали дастурий маҳсулни ишга туширишингиз мумкин. Бунинг учун ёрлиқчага курсорни олиб келиб, сичқончанинг ўнг тугмачасини икки марта босиш кифоя.

Эслатма: Ёрлиқчадаги расм ва ундаги ёзувлар дастурий маҳсул версиясига қараб ўзгариши мумкин.

Дастурий маҳсулни ўчириш

Дастурий маҳсулни компьютерингиздан ўчириш учун «Start» («Пуск») менюсидан бошқариш панелини чақиринг ва шу ердан «дастурларни ўрнатиш ва ўчириш» модулини ишга туширинг. Ўрнатилган дастурлар ичидан ушбу дастурни белгиланг, ўчириш режимини танланг ва ўчираётганингизни тасдиқланг.

Дастур олдинги бандда кўрсатилган тартибда ўрнатилиб, ёрлиқча орқали ишга туширишилса, уни ишлатиш ва маълумотлар базасига кириш учун парол сўралади.



Дастур билан ишловчи ходим томонидан дастлаб иш юритиш йили танланади, буидан мақсад ўтган ва ундан олдинги йилларда берилиб, ижроси таъминланмаган талабнома ва даъво аризалари билан ишлаш.

Ходим томонидан пароль тўғри киритилган ҳолда дастурий маҳсул ишга тушиб, асосий экран шакли очилади ҳамда у қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Дастурнинг бош менюси «Ҳисоботлар», «Боқиманда таҳлили», «Имтиёз», «Боқимандани ундириш», «Инкассо», «Реестр», «Тақсимлаш», «Маълумотнома», «Сервис», «Почта», «Дарча», «Ёрдам» ва «Чиқиш» менюларидан иборат бўлиб, улар ҳам ўз навбатида қуйидаги қисмларга бўлинади:

1. «Ҳисоботлар» менюси корхоналар, вазирликлар, статуслар, корхонанинг фаолият тури, корхона ҳолати, мулкчилик шакли, корхонага бириктирилган инспекторлар, солиқ тўловчига хизмат кўрсатувчи банклар бўйича ҳисоботлар олиш учун фойдаланилади.



Барча ҳисоботларни бюджет, бюджетдан ташқари Пенсия, Республика йўл, мактаб таълими, Солиқ органларини ривожлантириш жамғармалари ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича шакллантириш мумкин.

2. «Боқиманда таҳлили» менюси боқимандага эга корхоналар сони, солиқ турлари, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатувчи банк муссасалари, барча солиқ турлари бўйича ҳисоботларни олиш учун фойдаланилади:



3. «Имтиёз» менюсида солиқ тўловчиларнинг солиқ турлари бўйича бўлган имтиёзлари, «Солиқ турлари» ва «Барча солиқ турлари» бўлимида ҳисобдан чиқарилган, тўлов муддати узайтирилган ва пеня ҳисоблаш тўхтатилганлар бўйича ҳисоботни шакллантириш имконияти мавжуд. Ушбу меню қуйидаги кўринишга эга:



4. «Боқимандани ундириш» менюси қуйидаги кўринишга эга:



Бу меню орқали қуйидаги операциялар:

-солиқ тўловчиларнинг ШҲВларини таҳлил қилиш, улардан кўчирмалар олиш;

-солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома бериш ҳамда бу қарздорликларни ундириш учун номзод корхоналар рўйхатини тузиш. Номзод корхоналар рўйхатини тузиш боқимандаларни мажбурий ундириш ишларини ташкил этишнинг иккинчи босқичи бўлиб, у кейинчалик 41 графали ҳисоботларни шакллантириш учун асос ҳисобланади;

-қарздор корхоналар билан ишлаш. Бу ерда номзод корхоналар рўйхатидан танлаб олинган солиқ тўловчиларга солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаларини бериш, даъво аризаларини шакллантириш, уларнинг назоратини олиб бориш, умуман

олганда 41 графали ҳисоботларни олиш учун зарур маълумотлар шакллантирилади;

-боқимандаларни мажбурий ундириш юзасидан олиб борилган ишлар ҳисоботлари шакллантирилади;

-корхоналарга қолдиқ суммалари (сальдо) киритиш. Ҳар бир корхона бўйича дастурий маҳсул билан иш бошлаган кунига мавжуд қарздорликлар бўйича берилган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаларининг қолдиқ суммалари киритилади. Бу қолдиқ суммалар корхоналарга дастур орқали дастлабки огоҳлантириш талабномаларини беришда айириб ташланади. Бу ерда кўрсатилган ишлар дастур билан ишлашнинг биринчи, дастлабки босқичи бўлиб, фақат бир марта амалга оширилади ҳамда кейинги даврлар (йилларда) қолдиқ суммалар дастур орқали автоматик тарзда аниқланади. Шуни унутмангки, қолдиқ суммалар дастур билан ишлашдан олдин бир марта фақат амалдаги ижроси таъминланмаган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномалари бўйича киритилади холос. Сальдо киритилмаган ҳолатда дастурий маҳсул корхонанинг қарздорлигининг барчаси, яъни тўлиқ ҳажмига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани шакллантиради.

5. «Инкассо» менюси қуйидаги кичик менюлардан иборат:



Ушбу меню орқали солиқ тўловчининг ўзига ва унинг дебиторига қўйилган инкассо топшириқномалари ва уларнинг банклар бўйича реестларини аниқлаш имкониятлари келтирилган.

6. «Реестр» менюси қуйидаги кичик менюлардан иборат:

Бу меню орқали ДСИ томонидан солиқ тўловчиларга берил-



ган талабномалари ва хўжалик судларига киритилган даъво аризалари рўйхати ва уларнинг ҳолати, дебиторга ва валюта ҳисоб рақамига қўйилган инкассолар тўғрисида маълумот олиш мумкин.

7. «Тақсимлаш» менюсида боқимандага эга корхоналарни туман ДСИ инспекторларига тақсимлаш, бириктирилган ходимлар бўйича қарздорликларни шакллантириш имкониятлари мавжуд.



8. «Маълумотнома» менюси қуйидаги кўринишга эга:

Бу меню орқали маълумотлар базасига ДСИ паспорти, ҳисо-



ботлардаги тўловларнинг янги таркибини, ДСИ инспекторлари рўйхатини, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома ҳолатларини ҳамда фойдаланувчилар рўйхатини киритиш мумкин.

9. «Сервис» менюси ҳисобот йилини ёпиш, корхоналарга сальдо киритиш (фақат бир марта), «СИАИЖ (юридик шахслар)-3» дастурлар мажмуасининг ядроси (D_NET), ДСИ маълумотлар базаси (NAL) жойлашган каталоглар жойини кўрсатиш, экранга калькуляторни чиқариш, янгидан рўйхатдан ўтган корхоналар, календарь билан ишлаш ва санани белгилаш учун ишлатилади ҳамда у қуйидаги кўринишга эга:

10. «Почта» менюси боқимандалар ва уларни мажбурий унди-



риш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан почта файлларини шакллантириш, жўнатиш ҳамда жўнатилган файллар ҳисобини юритиш имконини яратади. Бу меню қуйидаги кўринишга эга:

11. «Дарча» кичик менюси WINDOWS операцион системаси



хусусиятларини ифодалаб, очилган дарча(рус тилида «окно»)ларнинг жойлашиш тартибини белгилайди. Бу кичик менюдан тўғри фойдаланиш дастур билан ишловчиларга катта имконият яратади. Масалан, Сиз ҳар хил икки дарчага кирган ҳолда, уларни масалан, горизонтал тарзда ёнма-ён жойлаштирсангиз, ундаги маълумотларни принтер(EXCEL)га чиқармасдан солиштириш имконига эга бўласиз. Фақат дастурдан чиқишда буларнинг барчасини ёпишни ёки ундаги маълумотлар зарур бўлса сақлашни унутманг.

Солиқ тўловчиларнинг ШҲВлари ва унга қўйилган инкассо талабномалари дарчалари мисолида бу менюнинг экран кўриниши қуйидагича:



12. «Ёрдам» кичик менюси электрон қўлланмадан фойдаланиш имконини беради. Дастурий маҳсулни ишлатиш юзасидан махсус электрон қўлланма ёзилган бўлиб, у Сизга яқин ёрдамчи сифатида ишингизни енгиллаштиришга қаратилган. Электрон қўлланмадан дастурий маҳсулни ишлатиш жараёнида хоҳлаган пайтда фойдаланишингиз мумкин. Бунинг учун дастурий маҳсулдан чиқмасдан «F1» тугмачасини ишлатиш кифоя. Жумладан, «Фойдаланувчи учун қўлланма» (ёки «F1» тугмачаси) танланган ҳолатда экран қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Дастурий маҳсулни созлаш

Дастурий маҳсул тўғри ишлаши учун маълумотномалар тўплами (D_Net) ва маълумотлар базаси (NAL) жойлашган диск ва директорий аниқ кўрсатилиши лозим. Бу маълумотлар икки хил усулда киритилиши мумкин.

Биринчи усул. Дастурий маҳсулга кирилади ҳамда «Сервис» менюси тугмачаси босилади. Ушбу менюдаги «D_Net йўлини кўрсатиш» ва «NAL йўлини кўрсатиш» кичик менюларига кириш керак йўлларни тўғри кўрсатиб, «ОК» тугмасини босиш керак:

Экранга қуйидаги формалар чиқарилади:



Иккинчи усул. D_Net ва NAL йўлини дастур ўрнатилган жойдаги Path.ini файлини очиб ҳам ўзгартириш мумкин.



Дастурий маҳсул орқали олинадиган ҳисобот шаклларини ўзгартириш

Айрим ҳолатларда дастурий маҳсул томонидан олинаётган ҳисоботлардаги солиқлар ва йиғимлар таркибига ўзгартириш киритиш лозим бўлади. Масалан, бирон бир солиқ тури, масалан, ягона ер солиғи бўйича маълумотлар олиш зарур бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатларда дастурнинг «Маълумотнома» менюсидаги «Ҳисоботларни ўзгартириш» кичик менюси орқали бюджет ва Пенсия, Республика йўл жамғармаси ҳамда мактаб жамғармаларига тегишли тўлов турларини қўшиш, ўзгартириш ва ўчириш мумкин.

Агар «Маълумотнома» -> «Ҳисоботларни ўзгартириш» менюси ишлатилса, экран шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Бу ерда «Солиқ кодлари» манбаларга тегишли бўлган солиқ турларининг ШҲВ кодлари. Бу солиқ турларини ажратиш учун фақат «,» орқали ёзиш керак, акс ҳолда ҳисобот тўғри чиқмайди.

Экран шаклида бюджет, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови алоҳида гуруҳларга бўлинган.

Маълумотлар базаси янги манбаларни киритиш Қўшиш тугмачаси, мавжуд ёзувларни ўчириш Ўчириш тугмачаси орқали амалга оширилади. Агарда янги киритилган ёзув сатри-

ни маълумотномага киритиш лозим бўлмаса, бу операция

Бекор тугмачаси орқали бекор қилиниши мумкин.



Маълумотномага киритилган янги ёзувлар ва ўзгартиришлар

Сақлаш тугмачаси орқали хотирага олинади.

Бундан ташқари, зарурият бўлган ҳолатда стандарт, яъни ДСҚ томонидан белгиланган ҳисобот шаклларига яна қайтиш мумкин ҳамда бунинг учун Na21_1 тугмачаси босилиши кифоя.

Шунингдек, тўлов турлари таркибини «Танлаш» устунидаги катакларни ✔ белгилаш орқали ҳам ўзгартириш мумкин.

Ҳисоботларнинг дастурий маҳсул орқали белгиланган асосий шакллари ва манбаларнинг кодлари «1-Н ҳисоботлари» ва «СИАЙЖ-3 (юридик шахслар)» дастурлар мажмуасига мослаштирилган. Шу сабабли айрим ҳолатларда, масалан ҳисобот шаклларига ўзгартиришлар киритишда фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида NA2 тугмачаси киритилган. Бу тугмача босилганда экран шакли икки қисмга бўлинади. Экраннинг биринчи (юқори) қисмида ҳисобот шаклларига киритилган умумий манбалар кўрсатилса, иккинчи (қуйи) қисмида бир неча тўлов турларидан иборат манбаларнинг таркиби ёритилади. Масалан, акциз солиғи танланган экран шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Бу ҳолат дастурни ишлатишда қулайлик яратади. Шаклларнинг экранга сиғмаган қисмларини ўнг томондаги скроллинг маркерлари орқали кўриш мумкин.

Туман (шаҳар) ДСИ паспортини киритиш

Дастурий маҳсул орқали боқимандаларни таҳлил қилиш ва улар бўйича ҳисоботларни олиш учун дастлаб туман (шаҳар) ДСИнинг паспортини тўлдириш лозим. Бу режим дастур билан ишлашни осонлаштириш мақсадида киритилган ҳамда «СИАИЖ-3 (юридик шахслар)» дастурий маҳсуллар мажмуаси билан боғланмаган.

Туман (шаҳар) ДСИ паспортини киритиш учун «Маълумотнома» менюсининг «ДСИ паспорти» кичик менюсига кирилади:



Кичик менюга кирилиб, «ENTER» тугмачаси босилгандан сўнг қуйидаги шаклнома экранга чиқарилади:



ДСИ паспорти шаклномасига қуйидаги маълумотлар киритилади:

-ҳудуд ва ДСИнинг номлари, ДСИ СТИРи, почта индекси ва манзили, банк номи, МФОси, ҳисоб рақами, телефон ва факс рақамлари;

-туман ДСИ бошлиғи ва бош ҳисобчининг фамилия, исм ва шарифлари киритилади;

-ҳудудий Хўжалик суди номи ва манзили.

Киритилган маълумотларни сақлаш учун Сақлаш тугмачаси, уни бекор қилиш учун Бекор тугмачаси, шаклномадан чиқиш учун Чиқиш тугмачаси босилади.

ЭСЛАТМА! ДСИ паспортидаги маълумотлар солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномалари, даъво аризалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни шакллантиришда фой-

даланилади. Шу сабабли ДСИ ва Хўжалик суди номларида ҳудуднинг номи тўлиқ киритилиши лозим, ҳамда маълумотлар ҳақиқийлигини доимий назорат қилиб бориш талаб қилинади.

2. Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни шакллантириш

2.1. Корхоналар бўйича ҳисоботларни шакллантириш

Дастурий маҳсул ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар, боқиманда ва ортиқча тўловлар бўйича маълумотларни бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови бўйича олиш имконини беради. Бунинг учун «Ҳисоботлар» менюсининг «Корхоналар бўйича» кичик менюсига кириш лозим ва бу ҳолда экран шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади.



Корхоналар бўйича ҳисоботларни Бюджет, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси, ягона солиқ тўлови ва СИРЖ бўйича шакллантириш мумкин. Бунинг учун улардан бирини танлаш керак. Барча экран шакллари бир хиллаштирилганлигини инобатга олган ҳолда бюджет тўловлари бўйича ҳисоботларни шакллантиришни мисол тариқасида кўриб чиқамиз. Экран шакли қуйидаги кўринишга эга:



Бу ерда экран шакли сарлавҳасида менюлар ва ҳисоботлар номи, шунингдек маълумотлар санаси келтирилган. Маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу – 2010 йил 8 апрель.

Бундан ташқари, экран шакли ҳисоботлар таркибини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун экран шаклидаги катакларга белги қўйиш кифоя. Масалан, ҳисобланган тўловлар учун – ☑ Хисобланган солик , амалга оширилган тўловлар бўйича – ☑ Тўланган солик , боқимандалар учун – ☑ Бокиманда , ортиқча тўловлар учун – ☑ Ортиқча тўлов белгиларини қўйиб чиқиш керак бўлади. Бундан ташқари, агарда ортиқча тўловлар бўйича маълумот олинаётган бўлса, манфий қолдиқ учун ☑ Манфий колдик белгиси ҳам очилади. Бу ҳолда ҚҚС бўйича

мавжуд манфий қолдиқ суммалари ҳақида маълумот олиш имкони яратилади.

Бундан ташқари, боқиманда суммалари учун фильтр бериш имкони бор. Бунинг учун фильтр катагини белгилаш лозим бўлади.



Шунингдек, ҳисоботларни шакллантиришда пул бирликларини ҳам олдиндан белгилаш мумкин. Мазкур дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни «сўм»да, «минг сўм»да ва «млн.сўм»да шакллантириш имконияти мавжуд.

Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни нафақат тумандаги барча солиқ тўловчилар, балки айрим корхоналар бўйича ҳам шакллантириш мумкин. Бунинг учун «барча корхоналар бўйича» катагидаги белги олиб ташланади:



Айрим (1 ёки ундан кўп) корхоналар бўйича ҳисоботларни олишда корхоналарнинг СТИРини қўлда тегишли катакка киритиш мумкин. «СТИР» ёзуви ёнидаги катакчага белги қўйилганда бир ёки бир нечта корхоналар бўйича ҳисобот олинади.



Башарти корхоналарнинг СТИРларини билмаган ёки киритиш қийин ҳолатларда «...» белгиси қўйилган катакка сичқончанинг чап кнопкаси орқали босилса, корхоналар рўйхати экранга чиқади:



Бу ҳолда зарур корхоналар экран шакли орқали танланади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, «Ҳисобланган», «Тўланган солиқ», «Боқиманда», «Ортиқча тўлов» менюларини ёки бошқа белгиларни танлашда уларни ҳар хил группалаш мумкин.

2.2. Вазирликлар ва идоралар бўйича ҳисоботларни шакллантириш

Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар, боқиманда ва ортиқча тўловлар бўйича маълумотларни бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови бўйича олиш мумкин. Ҳисоботларнинг вазирликлар ва идоралар кесимидаги дастлабки экран шакли қуйидаги кўринишда акс этади:



Вазирликлар ва идоралар бўйича ҳисоботларни Бюджет, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси, ягона солиқ тўлови ва СИРЖ бўйича шакллантириш мумкин. Бунинг учун улардан бирини танлаш керак. Барча экран шакллари бир хиллаштирилганлигини инобатга олган ҳолда Пенсия жамғармаси тўловлари бўйича ҳисоботларни шакллантиришни мисол тариқасида кўриб чиқамиз. Экран шакли қуйидаги кўринишга эга:



Бу ерда экран шакли сарлавҳасида менюлар ва ҳисоботлар номи, шунингдек, маълумотлар санаси келтирилган. Маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу – 2010 йил 8 апрель.

Бундан ташқари, экран шакли ҳисоботлар таркибини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун экран шаклидаги катакларга белги қўйиш кифоя. Масалан, ҳисобланган тўловлар учун – ☑ Хисобланган солик , амалга оширилган тўловлар бўйича – ☑ Тўланган солик , боқимандалар учун – ☑ Бокиманда , ортиқча тўловлар учун – ☑ Ортикча тўлов белгиларини қўйиб чиқиш керак бўлади.

Бундан ташқари, боқиманда суммалари учун фильтр бериш имкони бор. Бунинг учун фильтр катагини белгилаш лозим бўлади.



Шунингдек, ҳисоботларни шакллантиришда пул бирликларини ҳам олдиндан белгилаш мумкин. Мазкур дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни «сўм»да, «минг сўм»да ва «млн.сўм»да шакллантириш имконияти мавжуд.

Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни нафақат барча вазирликлар ва идоралар, балки айрим вазирликлар бўйича ҳам шакллантириш мумкин. Бунинг учун «барча вазирликлар бўйича» катагидаги белги олиб ташланади: ☐ Барча вазирликлар бўйича .

Айрим (1 ёки ундан кўп) вазирликлар ва идоралар бўйича ҳисоботларни олишда вазирликларнинг кодини қўлда тегишли катакка киритиш мумкин. «Код» ёзуви ёнидаги катакчага белги қўйилганда бир ёки бир нечта вазирликлар бўйича ҳисобот олинади:



Бапарти, вазирликлар ва идораларнинг кодларини билмаган ёки киритиш қийин ҳолатларда «...» белгиси қўйилган катакка сичқончанинг чап кнопкаси орқали босилса, вазирликлар рўйхати экранга чиқарилади:



Бундан ташқари, олинадиган ҳисоботлар шакли ва таркиби ☐ **Корхоналар рўйхати** катагининг белгиланганлиги ёки белгиланмаганлигига боғлиқ. Ушбу катак белгиланмаган ҳолатда ҳисоботлар танланган вазирликлар ва идоралар бўйича жамланган ҳолда чиқарилади. Мазкур катак белгиланганда эса ҳисоботлар танланган вазирликлар ва идоралар бўйича корхоналари кўрсатилган ҳолда чиқарилади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, «Ҳисобланган», «Тўланган солиқ», «Боқиманда», «Ортиқча тўлов» менюларини ёки бошқа белгиларни танлашда уларни ҳар хил группалаш мумкин.

Худди юқоридаги каби амалларни бажариш орқали:

-статуслар бўйича ҳисоботларни;

-фаолият тури бўйича ҳисоботларни;

-корхоналар ҳолати бўйича ҳисоботларни;

-мулкчилик шакли бўйича ҳисоботларни;

-банклар бўйича ҳисоботларни шакллантириш имконияти мавжуд.

2.3.Инспекторлар бўйича ҳисоботларни шакллантириш

Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар, боқиманда ва ортиқча тўловлар бўйича маълумотларни бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови бўйича олиш мумкин. Ҳисоботларнинг инспекторлар кесимидаги дастлабки экран шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Инспекторлар бўйича ҳисоботларни Бюджет, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси, ягона солиқ тўлови ва СИРЖ бўйича шакллантириш мумкин. Бунинг учун улардан бирини танлаш керак. Барча экран шакллари бир хиллаштирилганлигини инобатга олган ҳолда Пенсия жамғармаси тўловлари бўйича ҳисоботларни шакллантиришни мисол тариқасида кўриб чиқамиз. Экран шакли қуйидаги кўринишга эга:



Бу ерда экран шакли сарлавҳасида менюлар ва ҳисоботлар номи, шунингдек маълумотлар санаси келтирилган. Маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу – 2010 йил 8 апрель.

Бундан ташқари, экран шакли ҳисоботлар таркибини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун экран шаклидаги катакларга белги қўйиш кифоя. Масалан, ҳисобланган тўловлар учун –

☑ **Хисобланган солик** , амалга оширилган тўловлар бўйича – ☑ **Тўланган солик**, боқимандалар учун – ☑ **Бокиманда**, ортиқча тўловлар учун – ☑ **Ортикча тўлов** белгиларини қўйиб чиқиш керак бўлади.

Бундан ташқари, боқиманда суммалари учун фильтр бериш имкони бор. Бунинг учун фильтр катагини белгилаш лозим бўлади.



Шунингдек, ҳисоботларни шакллантиришда пул бирликларини ҳам олдиндан белгилаш мумкин. Мазкур дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни «сўм»да, «минг сўм»да ва «млн.сўм»да шакллантириш имконияти мавжуд.

Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни нафақат барча инспекторлар, балки айрим инспекторлар бўйича ҳам шакллантириш мумкин. Бунинг учун «барча инспекторлар бўйича» катагидаги белги олиб ташланади: ☐ **Барча инспекторлар бўйича** .

Айрим (1 ёки ундан кўп) инспекторлар бўйича ҳисоботларни олишда инспекторларнинг кодини қўлда тегишли катакка киритиш мумкин. «Код» ёзуви ёнидаги катакчага белги қўйилганда бир ёки бир нечта инспекторлар бўйича ҳисобот олинади:



Башарти, инспекторларнинг кодларини билмаган ёки киритиш қийин ҳолатларда «...» белгиси қўйилган катакка сичқончанинг чап кнопкаси орқали босилса, инспекторлар рўйхати экранга чиқарилади:



Бундан ташқари, олинадиган ҳисоботлар шакли ва таркиби Корхоналар рўйхати катагининг белгиланганлиги ёки белгиланмаганлигига боғлиқ. Ушбу катак белгиланмаган ҳолатда ҳисоботлар танланган инспекторлар бўйича жамланган ҳолда чиқарилади. Мазкур катак белгиланганда эса ҳисоботлар танланган инспекторлар бўйича корхоналари кўрсатилган ҳолда чиқарилади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, «Ҳисобланган», «Тўланган солиқ», «Боқиманда», «Ортиқча тўлов» менюларини ёки бошқа белгиларни танлашда уларни ҳар хил группалаш мумкин.

Боқимандага эга бўлган корхоналарга бириктирилган ДСИ масъул ходимлари бўйича маълумотлар дастурий маҳсулга киритилмаган бўлса 2 ҳолат юз бериши мумкин.

Биринчи ҳолатда, инспекторлар бўйича ҳисоботларни чиқаришда агарда «Барча инспекторлар бўйича» катаги белгиланган бўлса, яъни ☑ **Барча инспекторлар бўйича** ҳолатида дастурий маҳсул ҳисоботни хато кўрсатмасдан шакллантириб беради. Бу ҳолда ҳисобот қуйидаги кўринишга эга бўлади:



№	Код	Инспекторлар бўйича	Жами ортиқча тўлов	Яъни ноктимоий тўлов	НЖ га ИХФ 31 % ли ажратма	НЖ га ИХФ 2,5 % ли ажратма	НЖ га 0,7 % ли ажратма	УЭР пенс. тавлим хонуни 1 моддасн
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1		Инсп. кўйилмаган корхоналар						
2	1	Эшмирзаев Илёс	548,4	462,9	50,7	30,2	4,6	
		ЖАМИ	548,4	462,9	50,7	30,2	4,6	

Яъни, дастурий маҳсул барча маълумотларга инспекторлар бириктирилмаганлигини қайд этган ҳолда чиқариб беради.

Иккинчи ҳолат, ҳисоботлар баъзи инспекторлар бўйича шакллантирилганда «маълумот йўқ» деган ёзувни экранга чиқаради:



Боқимандага эга корхоналар инспекторларга қуйидаги тартибда тақсимланиши мумкин.

ДСИдаги юридик шахслар маълумотлар базасига ДСИ ходимлари рўйхати киритилмаган бўлса, уни қуйидагича киритиш мумкин. Бунинг учун «Маълумотнома» менюсининг «Инспекторлар рўйхати» кичик менюсига кирилади. Бу ҳолда экран шакли қуйидагича бўлади:



Маълумотлар базасига янги ходимлар Қўшиш тугмачаси орқали киритилади. Агарда бирон ходим рўйхатдан чиқарилиши керак бўлса, бу Ўчириш тугмачаси орқали амалга оширилади. Нотўғри терилган, лекин маълумотлар базасига киритилмаган ёзувлар (сатрлар) Бекор тугмачаси орқали бекор қилинади. Инспекторлар рўйхатини Excel тугмачаси орқали EXCEL жадвалига чиқариш мумкин. Ходимлар рўйхатига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Сақлаш тугмачаси орқали хотирага олинади.

ДСИ бўлинмалари номини киритишда бевосита бўлинма кодларини териш ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун бўлинма номи ёзиладиган катакка борилиб, сичқончанинг чап тугмачаси босилади. Бу ҳолда экранга бўлинмалар рўйхати чиқарилади:



Худди шунингдек, ДСИдаги лавозимлар номини киритишда бевосита лавозим кодларини териш ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун лавозим номи ёзиладиган катак белгиланиб, сичқончанинг чап тугмачаси босилади. Бунда экранга лавозимлар рўйхати чиқарилади:



Боқимаидалари мавжуд корхоналар инспекторларга бириктиришни икки хил усулда амалга оширици мумкин. Биринчи усулда «Тақсимлаш» менюсининг «Корхоналарга инспекторларни тақсимлаш» кичик менюсига кирилади. Бу ҳолда экран шакли қуйидагича бўлади:



Корхона				Инспектор	
СТИР	Номи	МФО	Хисоб рақам	Код	Номи
[illegible]	КАШКАДАРЕСУВКУРИЛИШ МЧЖ	00192	2021000050021970[illegible]	1	Эшмирзаев Илёс
200686050	КМБ ШЎЪБА КОРХОНАСИ	01031	2021000070245305[illegible]	1	Эшмирзаев Илёс
200686074	КАРШИ ТУМАН МТП ДАЖ.	00172	2021000010038786[illegible]	1	Эшмирзаев Илёс
200686082	БЕШКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ОЖК.	00172	2021000090038788[illegible]	1	Эшмирзаев Илёс
200686240	КАРШИ ТУМАН КИМЁЛАШТИРИШ ОЖК	00173	2021000090038787[illegible]	1	Эшмирзаев Илёс
200686257	444-ХИМИК ШЎЪБА КОРХОНАСИ.	01015	2021000070038465[illegible]	1	Эшмирзаев Илёс
200686408	11-АВТОНАКЛИЕТ ОЖК	01015	2021000070038469[illegible]	1	Эшмирзаев Илёс

Экран шаклининг ўнг томонидаги «(Инспектор) Код» катагига инспекторлар кодини бевосита киритиш мумкин. Башарти инспекторнинг кодини билмаган ҳолатда «(Инспектор) номи» катагига сичқончанинг чап тугмачаси босилади. Бу ҳолда экранга лавозимлар рўйхати чиқарилади:



Инспектор	
Код	Номи
1	Эшмирзаев Илёс
1	Эшмирзаев Илёс
1	Исломов Акмал
1	Едгоров Обид
1	ЛИ ЭЛЬЗА ХХХ
1	Уткиров Илхом
1	ПАК ВИТАЛИЙ
[illegible]	Саъдиев Мажид

Маълумотлар базасига янги ёзувлар Қўшиш тугмачаси орқали киритилади. Агарда сатр рўйхатдан чиқарилиши керак бўлса, бу Ўчириш тугмачаси орқали амалга оширилади. Нотўғри терилган, лекин маълумотлар базасига киритилмаган ёзувлар (сатрлар) Бекор тугмачаси орқали бекор қилинади. Маълумотларни Excel тугмачаси орқали EXCEL жадвалига

чиқариш мумкин. Маълумотларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Сақлаш тугмачаси орқали хотирага олинади.

Иккинчи усул. Бу усул инспекторга ҳеч бўлмаганда битта корхона бириктирилгандан сўнг ишлайди. Лекин бу усул боқимандага эга корхоналарни ходимлар ўртасида тақсимлаш ишларини жуда тезлаштиради.

Бунинг учун «Тақсимлаш» менюсининг «Инспекторларга корхоналарни тақсимлаш» кичик менюсига кирилади. Бу ҳолда экран шакли қуйидагича бўлади:



Эътибор берилса, экраннинг ишчи зонаси 3 қисмга бўлинган. Ҳозир ушбу зоналарнинг ҳар бирини ўрганиб чиқамиз.

Экраннинг биринчи – юқори қисмида инспекторлар рўйхати акс эттирилади. Бу зонада инспекторнинг коди, фамилияси, у ишлайдиган бўлимининг коди ва номи, эгаллаб турган лавозимининг коди ва номи ҳамда унга бириктирилган корхоналар сони кўрсатилади.

Экраннинг иккинчи – ўрта қисмида актив инспекторга бириктирилган корхоналар рўйхати берилади. Курсор турган инспектор актив ҳисобланади ва бу ёзув ранги билан бошқа ёзувлардан ажралиб туради.

Экраннинг учинчи – қуйи қисмида актив корхонанинг реквизитлари кўрсатилади. Курсор турган корхона актив ҳисобланади ва бу ёзув ранги билан бошқа ёзувлардан ажралиб туради.

Актив инспекторга тегишли корхоналарга янги корхоналар қўшиш учун Қўшиш тугмачаси босилади. Экранда янги ойнача очилади:



Бу ҳолатда ҳам экраннинг ишчи зонаси 3 қисмга бўлинган. Ҳозир ушбу зоналарнинг ҳар бирини ўрганиб чиқамиз.

Экраннинг биринчи – юқори қисмида корхона бириктирилаётган инспекторнинг исми, шарифи акс эттирилади.

Экраннинг иккинчи – ўрта қисми иккита ойначага (чап ва ўнг) бўлинган.

Чап ойначада ДСИдаги боқимандага эга корхоналар рўйхати берилган.

Ўнг ойначада инспекторга бириктирилган корхоналар рўйхати берилади. Бирон бир корхонани инспекторга бириктириш учун тугмачаси босилади. Бу ҳолда корхона чап ойначадан ўнг ойначага ўтказилади.

Агарда  тугмачаси босилса, чап ойначадаги барча корхоналар ўнг ойначага ўтказиб қўйилади, яъни танланган инспекторга бириктириб қўйилади.

Инспекторга бириктирилган корхоналарни рўйхатдан чиқариш учун  ва  тугмачалари ишлатилади.

Экрандаги  тугмачаси орқали корхоналар рўйхатини филтрлаш (масалан, статуслар ва ҳ.к. бўйича) мумкин. Бу ҳолда корхоналарни тақсимлаш анча тезлашиб енгиллашади.

Экраннинг учинчи – қуйи қисмида актив корхонанинг реквизитлари кўрсатилади. Курсор турган корхона актив ҳисобланади ва бу ёзув ранги билан бошқа ёзувлардан ажралиб туради.

2.4. Дастурий маҳсул орқали шакллантирилган ҳисоботларни таҳлил қилиш

Дастурий маҳсулнинг мазкур версиясида маълумотлар архивини шакллантириш кўзда тутилмаган ҳамда маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади.

Бунга асосий сабаблар:

Биринчидан, Na46.DBF файли ҳажмининг катталиги. Бу файлнинг ҳажми ўртача туманларнинг ўзида 4-6 Мб ни ташкил қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сонли қарорига ва ҳозирги кунда амал қилиб келаётган Солиқ кодексига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун барча ҳисоботлар ойма-ой тақсимланган ҳолда чораклик тақдим этилиши натижасида ойлик кўрсаткичлар (ҳисобланган тўлов, тўланган, боқиманда ортиқча тўлов суммалари) чорак якуни бўйича ўзгаради. Бу ҳол таҳлилий ишлар учун зарур кўрсаткичларни солиқ тўловчиларнинг ШҲВларидан бевосита олинишини тақозо этади. Лекин ҳар гал кўрсаткичлар динамикасини шакллантириш учун ШҲВларини бирма-бир қайта-қайта кўриб чиқиш кўп вақтни талаб қилади. Шу сабабли дастурий маҳсулда ҳозирча динамик кўрсаткичлар учун архив шакллантириш кўзда тутилмаган.

Лекин дастурий маҳсул орқали ўтган даврлар учун архив юритиш имкони бор. Бу қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин.

«СИАИЖ-3» дастурий маҳсуллар мажмуаси орқали юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилгандан сўнг ҳосил бўлган Na46.DBF файли бошқа ном билан сақлаб қўйилади. Масалан, 2010 йилнинг 8 апрель куни учун бу файлга Na46_2010_04_08.DBF номини бериш мумкин («04» ойнинг тартиб рақами, «08» эса сана).

Боқимандаларни уларнинг миқдори ва боқимандага эга корхоналар сони бўйича таҳлил қилиш

Боқимандаларни уларнинг миқдори ва боқимандага эга корхоналар сони бўйича таҳлил қилиш учун дастурий маҳсулнинг «Боқиманда таҳлили» менюсининг «Боқимандачилар сони бўйича» кичик менюсига кирилади.

Дастурий маҳсул орқали боқиманда бўйича маълумотларни бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови бўйича олиш мумкин.

Ҳисоботда жами боқиманда ва пеня суммалари, жами боқимандага эга корхоналар сони, шунингдек боқиманда миқдори бўйича тоифаларга бўлинган ҳолда маълумотлар чиқарилади.

Маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади.

Боқимандаларни солиқ турлари бўйича таҳлил қилиш

Боқимандаларни солиқ турлари бўйича таҳлил қилиш учун дастурий маҳсулнинг «Боқиманда таҳлили» менюсининг «Солиқлар бўйича боқиманда» кичик менюсига кирилади.

Дастурий маҳсул орқали ҳар бир солиқ (тўлов, йиғим, мажбурий ажратма) тури бўйича ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар, боқиманда ва ортиқча тўловлар бўйича маълумотларни бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови бўйича олиш мумкин.

Ҳисоботда барча кўрсаткичлар бюджет, мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда чиқарилади.

Маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади.

Боқимандаларни банклар бўйича таҳлил қилиш

Боқимандаларни банклар бўйича таҳлил қилиш учун дастурий маҳсулнинг «Боқиманда таҳлили» менюсининг «Банклар бўйича таҳлили» кичик менюсига кирилади. Экран шакли қуйидаги кўринишга эга:



Бу ерда экран шакли сарлавҳасида менюлар ва ҳисоботлар номи, шунингдек маълумотлар санаси келтирилган. Маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу – 2010 йил 8 апрель.

Бундан ташқари, боқиманда суммалари учун фильтр бериш имкони бор. Бунинг учун фильтр катагини белгилаш лозим бўлади.



Шунингдек, ҳисоботларни шакллантиришда пул бирликларини ҳам олдиндан белгилаш мумкин. Мазкур дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни «сўм»да, «минг сўм»да ва «млн.сўм»да шакллантириш имконияти мавжуд.

Агарда ☐ Банклар бўйича катаги танланмаса икки хил ҳисоботлар олиш мумкин.

Биринчи, ☐ Киради – катаги танланмаган ҳолда танланган банк муссасалари бўйича маълумот олиш мумкин. Бу ерда «МФО» катагига белги қўйилмаса фақат бир банк бўйича, бу катакка белги қўйилса, бир ёки бир нечта банклар бўйича маълумот олиш мумкин. Мисол учун:



Банклар маълумотномадан танланади ва унинг шакли:



Биринчи, [redacted] катаги танланган қолда банк муссасалари бўйича маълумот олиш мумкин. Бу қолда қисоботлар корхоналар кесимида чиқарилади.

Барча маълумотлар бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар ва ягона солиқ тўлови бўйича жамланган қолда шакллантирилади.

Боқимандаларни барча солиқ турлари бўйича таҳлил қилиш

Боқимандаларни (нафақат боқимандалар, балки ҳисобланган, тўланган ва ортиқча тўлов суммалари) солиқ турлари бўйича таҳлил қилиш учун дастурий маҳсулнинг «Боқиманда таҳли-

ли» менюсининг «Барча солиқ турлари бўйича» кичик менюсига кирилади. Экран шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Бу ерда экран шакли сарлавҳасида менюлар ва ҳисоботлар номи, шунингдек маълумотлар санаси келтирилган. Маълумотлар санаси юридик шахслар маълумотлар базасига ишлов берилган, яъни Na46.DBF файлидаги сана билан аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу – 2010 йил 8 апрель.

Шунингдек, экран шакли ҳисоботлар таркибини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун экран шаклидаги катакларга белги қўйиш кифоя. Масалан, ҳисобланган тўловлар учун – ☑ Хисобланган солик , амалга оширилган тўловлар бўйича – ☑ Тўланган солик , боқимандалар учун — ☑ Бокиманда , ор-

тиқча тўловлар учун – ☑ Ортиқча тўлов белгиларини қўйиб чиқиш керак бўлади.

Бундан ташқари, боқиманда суммалари учун фильтр бериш имкони бор. Бунинг учун фильтр катагини белгилаш лозим бўлади.



Шунингдек, ҳисоботларни шакллантиришда пул бирликларини ҳам олдиндан белгилаш мумкин. Мазкур дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни «сўм»да, «минг сўм»да ва «млн.сўм»да шакллантириш имконияти мавжуд.

«Боқиманда таҳлили» менюсининг «Барча солиқ турлари бўйича» кичик менюси орқали ҳисоботларни шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Дастлаб, «Ҳисобот тури» ойначасига кирилиб, ҳисобот тури танланади:



Бизнинг мисолимизда ҳисоботлар «Статуслар бўйича» шакллантирилади.

Кейинчалик зарур ҳисоботлар таркиби «Ҳисобланган солиқ», «Тўланган солиқ», «Боқиманда» ва «Ортиқча тўлов» катаклари орқали аниқланади. Зарурият бўлганда фильтр суммаси, ҳисоботдаги суммалар бирлигини ҳам аниқлаштириш мумкин.

Бундан ташқари «Ҳисобот тури» катакчаси орқали танланган ҳисоботларни барча ёки айрим танланган кўрсаткичлар бўйича

шакллантириш мумкин. Бизнинг мисолимизда танланган кўрсаткич – бу «статус»лар. Демак, ҳисоботларни барча статуслар ёки айрим (1 ёки ундан кўп) статуслар бўйича шакллантириш мумкин.

Айрим (1 ёки ундан кўп) статуслар бўйича ҳисоботларни олишда статусларнинг кодини қўлда тегишли катакка киритиш мумкин. «Код» ёзуви ёнидаги катакчага белги қўйилганда бир ёки бир нечта статуслар бўйича ҳисобот олинади:



Башарти, статусларнинг кодларини билмаган ёки киритиш қийин ҳолатларда «...» белгиси қўйилган катакка сичқончанинг чап кнопкаси орқали босилса, статуслар рўйхати экранга чиқарилади:



Бундан ташқари, олинадиган ҳисоботлар шакли ва таркиби ☐ Корхоналар рўйхати катагининг белгиланганлиги ёки белгиланмаганлигига боғлиқ. Ушбу катак белгиланмаган ҳолатда ҳисоботлар танланган статуслар бўйича жамланган ҳолда чиқарилади. Мазкур катак белгиланганда эса ҳисоботлар танланган статуслар бўйича корхоналари кўрсатилган ҳолда чиқарилади.

Бундан ташқари, олинадиган ҳисобот шакли Солиқлар ☐ катагининг танланган ёки танланмаганлигига ҳам боғлиқ. Агар бу катакка белги қўйилмаса ҳисоботлар бюджет, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўлови бўйича жамланган ҳолда чиқарилади. Агарда бу катакка белги қўйилса унда бюджет, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, СИРЖ ва ягона солиқ тўловидан бирини (ёки бирнечтасини) танлаш мумкин:



Бу ҳолда ҳисоботлар шу танланган бюджет даромади турлари бўйича чиқарилади. Зарурият бўлганда, бу ҳисоботларни корхоналар кесимида ҳам олишингиз мумкин. Бунинг учун ☐ Корхоналар рўйхати катагини белгилаш кифоя.

3.Боқимандалар билан ишлаш

3.1.Боқиманда суммаларини таҳлил қилиш

Боқиманда суммаларини (нафақат боқимандалар балки ҳисобланган, тўланган ва ортиқча тўлов суммаларини ҳам) таҳлил қилиш учун дастурий маҳсулнинг «Ҳисоботлар», «Боқиманда таҳлили» ва «Боқимандани ундириш» менюлари ишлатилади.

Боқимандаларни таҳлил қилиш ишлари боқимандага эга корхоналар рўйхати тузилгандан сўнг бу корхоналарнинг ШҲВларини ўрганишдан бошланади. Боқимандага эга кор-

хоналарнинг ШҲВлари билан танишиш, таҳлил қилиши ва қоғозга чиқариш учун «СИАИЖ-3 (юридик шахслар)» дастурий маҳсуллар мажмуасидан фойдаланиш шарт эмас. Боқимандалар билан ишлашни осонлаштириш мақсадида солиқ тўловчиларнинг ШҲВлари билан мазкур дастурий маҳсул орқали ҳам танишиш мумкин. Бунинг учун дастурий маҳсулнинг «Боқимандани ундириш» менюсининг «Корхоналарнинг ШҲВлари» кичик менюсига кириш лозим. Экран шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Дастлаб ШҲВлари кўрилиши кўзда тутилаётган солиқ тўловчи танланади. Бунинг учун «Корхона номи» сатридаги ▼ тугмачасига босилади:



Экранда ҳосил бўлган ойначадан керакли корхона номи танланади. Бундан кейин «Солиқ тури» сатридан ▼ тугмачаси орқали керакли тўлов танланади ва натижада экран қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Эътибор берсангиз, экран 3 қисмга бўлинган. Экраннинг биринчи қисмида менюлар жойлашган. Экраннинг иккинчи қисмида танланган корхонанинг реквизитлари, танланган солиқ ёки йиғимнинг номи, ҳисоб рақами ва бюджет таснифи берилган.

Экраннинг учинчи кисмида корхонанинг танланган солиқ тури бўйича ШҲВсидан кўчирма қайд этилади. Бизнинг ҳолатда ягона ижтимоий тўлов бўйича ШҲВси акс эттирилган. Танланган корхонанинг бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича ШҲВларини кўришни 3 усулда амалга ошириш мумкин:

Биринчи усул: «Солиқ тури» сатридаги ▼ тугмачаси орқали бошқа тўлов тури танланади.

Иккинчи усул: корхонанинг бирон бир солиқ тури бўйича ШҲВси танлангандан сўнг йўналишни кўрсатувчи пастга ёки тепага клавишалари орқали керакли тўлов тури бўйича ШҲВсини танлаш мумкин.

Учинчи усул: (фақат «скроллинг» ғилдиракчаси бор сичқончалар учун) корхонанинг бирон бир солиқ тури бўйича ШҲВси танлангандан сўнг «скроллинг» ғилдиракчаси ёрдамида зарур тўлов тури бўйича ШҲВни танлаш мумкин.

